


Миллий уйғониш даври  
ўзбек адабиётидан  
дастур




ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАН ДАСТУР

(Университетлар ва педагогика институтларининг филология  
факультетлари талабалари учун)

Тузувчилар: филология фанлари доктори, профес-  
сор **Бегали Қосимов**,  
филология фанлари доктори, профес-  
сор **Шариф Юсупов**,  
филология фанлари доктори  
**Наим Каримов**  
филология фанлари номзоди, доцент  
**Улугбек Долимов**  
филология фанлари номзоди, доцент  
**Суннатилла Аҳмедов**  
филология фанлари номзоди  
**Шухрат Ризаев**



Тошкент — 1996 йил.

Масъул муҳаррир — доц. С. Аҳмедов.

Тақризчи — филология фанлари доктори,  
проф. А. Каттабеков.

ТошДУ ўзбек филологияси факультетининг Уқув-услубий кен-  
гашининг 1995 йил 25 апрелдаги мажлисида тасдиқланган.

Тузувчилар ушбу дастурни яратишда яқиндан ёрдам берган фи-  
лология фанлари номзоди И. Адизовага, аспирантлар О. Тўлабоев,  
Ж. Мелиқулов ва У. Жўрақуловларга ўз миннатдорчиликларини  
билдирадilar.

## ИЛК МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИ

(1865—1905)

Кириш. Миллий уйғониш даври тушунчаси. Бу давр адабиётининг миллатни уйғотган, уни истиқлолга бошлаган адабиёт эканлиги. Ушбу давр адабиётининг 1865—1929 саналари билан чегараланишининг сабаблари.

**Ижтимоий-сиёсий ҳаёт.** XIX аср ўрталаридаги Марказий Осиёда тарихий-сиёсий шароит. Россия истилоси. Тошкент (1865), Жиззах (1866)нинг босиб олиниши. Чор Россияси ўрнатган ҳарбий-маъмурий идора усули — Туркистон генерал-губернаторлигининг ўрнатилиши (1867—1917). Самарқанд (1868), Хива (1876) учун бўлган жанглар. Бухоро ва Хиванинг вассалга айлантирилиши. М. С. Черняевнинг Тошкентнинг гўё «ўз ихтиёри билан» Россия тасарруфига ўтганлиги ҳақида қўл қўйдириб олиши. Россиянинг босқинчилик сиёсатини хаспўшлаш мақсадида ихтиёрий қўшилганлик ҳақида «хат» уюштирилиши. Қўқон хонлигининг тугатилиши (1876), машҳур Пўлатхон қўзғолони (1873—1876). Марказий Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олинишининг иқтисодий ва сиёсий оқибатлари. Марказий Осиёга сармоядорликнинг илк бор кириб келиши. Қишлоқ хўжалиги ва чоризмнинг аграр сиёсати.

Даврнинг даҳшатли воқеаларга тўла картинасининг ўша давр тарихий-бадний асарларида акс этганлиги. Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошканд», Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий», Умидий-Ҳавоийнинг «Мактубчаи хон», «Бадавлатнома» каби асарлари. Рассом Верещачин эътирофлари, Генерал Скобелев «жасоратлари» ҳақидаги кейинги маълумотлар.

Рус чоризмининг Марказий Осиё халқларига нисбатан ижтимоий ва миллий жабр-зулми кучайтириши. Улка моддий ва маънавий бойликларининг таланиши, ҳосилдор ерлар тортиб олиниб, Россия ичкарасидан кўпминглаб казаклар кўчириб келтирилиб жойлаштирилиши. Чоризмнинг маданият соҳасидаги тескарича сиёсати. Руслаштиришнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши. Халқ озодлик ҳаракатлари. 1892 йилги Тошкент, 1898 йил 18 майда бошланган Дукчи эшон раҳбарлигидаги Андижон қўзғолонлари. Тошкент ва Андижон қўзғолони қатнашчилари бадний адабиётда (Муқимий. «Тарихи фавти ноиби Тошкандий», Фурқат. «Сабоға хитоб». Фозилбек Отабек ўғли. «Дукчи эшон воқеаси»). Андижон қўзғолонининг ўша давр адабиётида бир томонлама ёритилиши ва бунинг сабаблари.

**Маданий ҳаёт.** Фан, маориф, маданият. Забт этилган ўл-кани ҳар жиҳатдан ўрганишга киришиш. Турли маданий-илмий муассасаларнинг пайдо бўлиши. Тошкентдаги би-ринчи жамоат кутубхонасининг очилиши (1870), фалаж но-слик ва кимёгарлик тажрибагоҳининг ташкил этилиши (1870). Матбуотнинг йўлга қўйилиши. «Туркистон вилоятининг газети» — биринчи ўзбек матбуоти намунаси эканли-ги. Босмахоналарнинг очилиши. Халқлар ҳаётида маълум силжишларнинг рўй бериши, — турмуш воқеаларига икки хил қарашнинг шаклланиши. Янги мактабларнинг пайдо бўлиши. Маърифатчилик ҳаракатининг ёйилиши. Ўзбек маъ-рифатпарварлигининг асосий манбалари, хусусиятлари ва тараққиёт босқичлари. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ян-гича маърифатпарварлик муҳити. Фурқат, Комил Хоразмий, Камий, Гурбат, Муқимий, Исҳоқхон, Завқий, Нодим, Анбар отин, Аваз каби шоирлар томонидан янги руҳдаги маъ-рифатчиликнинг ривожлантирилиши. Бехбудий, Авлоний, Фитрат, Ҳамза, Қодирий, Чўлпонларнинг бу соҳадаги фа-оллиги.

**Адабий ҳаёт.** Қўқонда Муқимий, Фурқат, Завқий, Нисба-тий, Муҳбий, Сўфизола, Наманганда Ибрат, Нодим, Тош-кентда Алмай, Камий, Бухорода Аҳмад Дониш, Хивада Аҳмад Табибий, Аваз Утар ўғли каби ижодкорлар етиши-ши. Тошкентнинг муҳим сиёсий-маданий марказга айлани-ши. Таржимачилик. «Қалила ва Димна» (Алмай), «Минг бир кеча» (Сидқий-Хондайлиқий) таржимаси.

Янги ўзбек ҳажвчилигининг майдонга келиши (Муқимий, Завқий).

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида жанрлар та-раққиёти. Бу давр адабиётида шеърий ҳикоя (Муқимий, Фурқат), «Саёҳатнома» (Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодим, Гурбат), мактубот жанрларининг инкишоф этилиши ва ри-вожлантирилиши.

**Янги давр адабиёти:** Қори Фазлуллоҳ Миржалол ўғли Алмай (1852—1891). Алмай XIX асрнинг иккинчи ярми Тошкент адабий ҳаракатчилигининг эътиборли вакили си-фатида. Ижодий мероси ҳақида маълумот. Ҳаёти ва ижодий фаолияти. Лирикаси. «Ҳаёт» радифли ғазалида инсоний умрнинг мумтоз бахт сифатида берилиши. Асарга Муқимий-нинг ижодий муносабати, унга бағишланган мухаммаси.

Қадим ҳинд эпоси «Қалила ва Димна»нинг Алмай то-монидан таржима қилиниши. Асарнинг ўзбек насри тарақ-қиётига таъсири. Ҳикоялардан намуналар. Табибнинг қор-ни оғриб келган беморга кўз дориси берганлиги, илонни

кутқаламоқчи бўлган кишининг ташвинга қолганлиги ҳақида «Сичқон ва Қурбақа», «Маймун ва Чўчқа» ҳикоятлари Алмангонинг ўзбек таржима адабиётида тутган ўрни.

**Нодим Намангоний** (1844—1910) — Муқимий бош бўлган ижодий ҳаракатнинг етакчи вакилларида бири. Ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот. Нодимнинг Муқимий, Фурқат, Завқий каби атоқли шоирлар билан шахсий ва ижодий алоқаси. Улар асарларига жавобан ёзган «Сайнинг қўи бер, сайёл», «Кўсамен» асарлари. Нодим ижодида Мазмур анъаналарининг ривожлантирилиши. Унинг «Ҳанча» радифли ҳажвий газалига ёзган мухаммаси. Нодимнинг ҳажвий асарлари («Ғалати», «Хит қилди» каби шеърлари). Шоирнинг «Саёҳатнома»лари, мактублари, уларнинг давр ҳаётини ҳаққоний аке эттирувчи асарлар эканлиги.

**Муҳаммадқул Муҳаммад-Расул ўғли Муҳаййир** (1842—1918). Шоирнинг ҳаёти ва фаолияти. Унинг лирик ва сатирик ижоди. «Гапур» ҳажвиясининг ўз даврида машҳур бўлгани, унга талай назиралар тўқилгани. Шоирнинг Муқимий ва Фурқат билан ҳамкорлиги.

**Юсуфқори Мирза-Зоҳид ўғли Мунтазир** (1831—1884). Шоир ҳақида маълумот. Унинг фақирликдаги ҳаёти. Лирик ва сатирик шеърлари. Мунтазирнинг «Ашъорҳо дорад», «Улим», «Хамланмасун» газалларида шахсий ва ижтимоий ҳолатларининг теран очилиши.

**Ҳўжажон Рожий Марғилоний** (1834—1918). Шоир ҳақида маълумот. Унинг ўн минг мисрани ташкил этувчи лирик, сатирик ва юмористик ижоди. Рожийнинг «Этиб кет» радифли Нодира газалига мухаммаси, унда ижтимоий-эстетик позициянинг аке этиши. Шоирнинг бадий маҳорати. Рожий туюқлари. Унинг Дукчи эшон мавзудаги сатирик асари. Адабиётда Дукчи эшон воқеасига бўлган турлича муносабат.

**Шавқий Намангоний** (XIX асрнинг бошларида туғилган) — лирик шоир. Унинг «Пандномаи Шавқий» (Маллаҳон номидан Худоёрхонга ўғит) сатирик асари. Шоирнинг «Жомеул-ҳаводис» достони. Унда Худоёрхон билан унинг оталиги Мусулмонқул ўртасида ҳокимият учун олиб борилган курашларнинг ҳаққоний аке эттирилиши.

**Ҳавоий Умидий** (1835—1905) — бу давр адабиётида эпик жанрнинг ривожига катта ҳисса қўшган шоир. Унинг лирик ва эпик ижоди. Шоирнинг Муқимий, Фурқатлар билан ижодий ҳамкорлиги, Ҳавоийнинг «Мактубчан хон», «Жаннома», «Бадавлатнома ёки тарихи Хўқанд» достонлари Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда муҳим манба эканлиги.

**Очилдимурод Мирий** (1841—1899). — эпик шоир ва таржимон. Мирийнинг «Маждиддин ва Фахруннисо», «Қиссан Салим Жавҳарий» дostonлари. Шоир ўзбекчага ағдарган Фирдавсийнинг «Рустам ва Сухроб» дostonи ижодий таржима эканлиги. Бадий таржима ва назира анъаналари ҳамда уларнинг ўзбек дostonчилиги билан қўшилиб кетиши.

**Зиёвуддин Каттаҳўжа ўгли Ҳазиний** (1867—1923). Ҳазиний — истеъдодли шоир. «Баёзи Ҳазиний» ҳақида маълумот. Унинг шоир ижоди ҳақида маълумот берувчи муҳим манба эканлиги. Шоирнинг Қуръон оятлари ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳadisларига эргшиб ёзган шеърлари. Ҳазиний ва Тасаввуф. Ҳазиний мухаммаслари. «Ерим эшит», «Айрилмасун», «Қадрини», «Тасаддуқ ё Расулуллоҳ» мухаммасларининг таҳлили. Ҳазиний ва мумтоз ўзбек мусиқаси. Шоир шеърларининг унинг ҳаётлигидаёқ куйга солиб айтилиб келинаётгани.

#### Манбалар:

- Ўзбек адабиёти. 4-том. 1-китоб. Т. 1959.  
Алмаий. Танланган асарлар. Т. 1965 й.  
Нодим. Танланган шеърлар. Т. 1964.  
Мирий. Танланган асарлар. Т. 1965.  
Ҳазиний. Тасаддуқ, ё Расулуллоҳ. Т. 1993.

#### Илмий адабиётлар<sup>1</sup>

- Ғ. Каримов. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-китоб. Т. «Ўқитувчи» нашриёти, 1975 йил.  
Б. Ҳосимов. Излай-излай топганим. Т. Ғ. Гулом нашр. 1983 йил.  
А. Жалолов. XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти. Т. 1991.  
Б. Ҳосимов, У. Долимов. «Маърифат даргалари». Т. «Ўқитувчи». 1990.  
Ғ. Каримов. Подым Намангоний ҳақида. ТошДУ, илмий асарлар. 162-чиқини. Янги серия. 1960.  
А. Халилбеков. Жизнь и творчество Н. Намангоний. АКД. Т. 1968.  
Маҳмудов М. Шоир Мирий. «Ўзб. т. ва ад. масалалари». жур. 1961. 4-сон.  
С. Аҳмедов. Ўзбек адабиётида «Саёҳатнома». Т. «Адабий мерос», 1986 й.  
С. Аҳмедов. Ўзбек демократик адабиётида шеърини ҳикоя. Т. «Ўзбекистон». 1987.

<sup>1</sup> Изоҳ. Кейинги обзор мавзуларга тегишли адабиётлар ижодкорлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлимларга илова қилинди.

## КОМИЛ (1825—1899)

Комил ижодий меросининг ўрганилиш тарихидан: Хива хонлиги муҳотида дузилган мажмуаларда йирик шоирлар (Огаҳий, Табибий ва бошқалар)нинг шеър хусусидаги фикрлари. Инглиз ва рус тарихчилари Мак-Гахан, Лобосевич, Остроумов Қомил шахсига алоҳида эътибор қаратганликлари. Хивада илк бор ташкил этилган типо-литографияда шоирнинг беш девон чон этилганлиги. Шоирнинг ғазал, мухаммас ва «Қасидаи наврӯз»и «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида (1891—94 йиллар). Асримизнинг 20—30 йилларида ўзбек ва рус муסיқашунослари Қомилнинг муסיқий меросига, у тартиб берган «Танбур нотаси»га дастлаб эътиборни қаратиб, қимматли фикрлар баён қилганликлари. Олим Шарафуддиновнинг «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»да (1945), Фулом Қаримовнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида (1967) Қомил мероси таҳлили. Маҳмудали Юнусовнинг «Қомил Хоразмий» танқидий-биографик очерки (1960). Қомил «Танланган асарлари»нинг чон этилиши (1961—1975), «Ўзбек адабиёти тарихи» беш томлигининг охириги жилдида Қомил ҳаёти ва ижоди талқини (1980).

**Қомилнинг таржимаи ҳоли.** Оила, эски мактаб, мадраса таҳлили. Бўлажак шоирнинг араб ва форс тилларини мукаммал ўрганиши, мумтоз шеърятга ихлос қўйиши. Саид Муҳаммадхон ҳукмронлиги даврида саройга мирзаликка жалб этилган Қомил Муҳаммад Раҳимхон соний (Феруз) замонасида мирзабоши, девонбеги лавозимларига кўтарилиб, Хоразм ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ишларни амалга ошириши. Россия императорлиги Хива хонлиги ҳудудларини босиб олган пайтда Қомилнинг давлат арбоби сифатидаги тadbиркорлиги. Чоризм сиёсатдонлари (Қун, Остроумов ва бошқалар)нинг ўзбек маданияти йирик арбобига салбий муносабатлари. Қомил Хива хонлиги Россия империяси вассалига айланганидан кейинги чорак аср давомида ўз юртидаги энг йирик маданий тadbирлар ташкилотчиси сифатида (босмаҳона, тиббиёт муассасалари, рус-тузем мактаби, почта-телеграф ишлари, суратхона ва бошқалар).

Қомилнинг 80—90 йиллардаги Туркистоннинг йирик маърифатпарварлари (Сатторхон, Муҳиддинхўжа, Шарифхўжа,



Инъомхўжа, Мирзо Абдулла ва бошқалар) билан дўстона муносабати. 1891 йил сентябрь ойида Инъомхўжанинг Тошкентдаги ҳовлисида девонбеги Комил ва валиаҳд шаҳзода Исфандиёр иштирокларидаги анжуманининг ўзбек халқи маданияти тарихини, Муқимий меросини, ўзбек санъати турли соҳаларини тарғиб этишдаги алоҳида аҳамияти. 1891 йилги Тошкент сафарининг Комил ижодида янгича маърифатпарварлик асарларининг яратилишига кўрсатган таъсири.

Комил ҳаётининг охириг йиллари, фожеаси. Комил ва Кун, Комил ва Остроумов, Комил ва Сатторхон, Комил ва Муқимий, Комил ва Макайлик муносабатларига доир янги маълумотлар. Комил ва Феруз муносабатларининг янгича талқини.

**Комилнинг ижодий мероси.** Комил — лирик шоир. Унинг лирикасида инсоний муҳаббат ва фазилатларининг улуғланиши. Комил шеъриятида ижтимоий оҳанглар: илм аҳлига, ижод кишисига муносабат масаласи. Комил — ҳажвчи шоир. Унинг ҳажвларида фузало ва жуҳало масаласи. Комил янгича йўналишдаги маърифатпарвар. «Комил», «Ики шўх», «Қасидан наврўз» каби янгича маърифатпарварлик асарларининг яратилиш тарихи.

Комил — шеърят тадқиқотчиси. Унинг «Мунисул ушшоқ», «Девони Холис», «Девони Феруз» ва бошқа девонларга ёзган сўзбошиларининг XIX аср Хива адабий муҳитини ўрганишдаги аҳамияти.

Комил — бастакор ва мусиқашунос. «Мураббан Комил» ҳамда «Пешрави Феруз» мусиқаларининг ўзига хос жиҳатлари. Комил кашф этган машҳур «Танбур нотаси»нинг унинг ўғли Муҳаммад Расул томонидан давом эттирилиб ниҳояланиши.

Комил — таржимон. Бархурдор Туркман Мумтознинг «Маҳфилоро», Сафийнинг «Латойифут тавойиф», Мирхонднинг «Равзатус сафо» сингари йирик асарлари таржимаси билан боғлиқ хизматлари.

### М а н б а л а р :

Комил Хоразмий, Танланган асарлар, Тошкент, Ўзадабийнашр. 1961.

Комил. Девон. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975.

Асрлар нидоси. Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, 393—408-бетлар.

## Илмий адабиётлар:

Юнусов М. Комил Хоразмий. Ўзадабийнашр, Тошкент, 1960.

Юсуфов Ш. Комил ҳақида янги маълумот. «Шарқ юлдузи», 1968, 7-с.

А. Ҳайитметов, В. Мўминова. «Ҳаҳолатга ёв бўлиб». Қаранг: Комил «Девон» Тошкент, 1975. Сўзбоши 3--14-бетлар.

## МУҲАММАД ЮСУФ БАЁНИЙ

(1840—1923)

Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг ҳаёти ва ижоди. Унинг Хи-ва адабий муҳитида туган мавқеи. Адабий мероси. Адибнинг шеърий, тарихий ва таржима асарларида таржимаи ҳолига доир маълумотлар.

Шоирнинг лирик асарларида ишқ — муҳаббат, маънавий баркамоллик — комил инсон масалаларининг ёритилиши. Табиат гўзалликлари, мўъжизалари ва ватанга бўлган меҳру оқибатнинг куйланиши.

Баёний шеъриятининг бадий баркамоллик миқёслари. Навоий, Огаҳий, Фузулий, Мунис каби мумтоз адабиётимиз намояндалари анъаналарининг шоир томонидан давом эттирилиши. Унинг зулласонайн иждокор сифатидаги ўрни. хизмати.

Муҳаммад Юсуф Баёний Хоразм шажаравий тарихна-вислиги давомчиси. «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида энг қадимги даврдан XX аср бошларигача бўлган воқеаларнинг изчил ёритилиши. Айниқса, бизга қоронғу бўлиб келган ўзбек хонлари ҳукмронлиги даври ҳодисалари, Урта Осиёнинг Россия томонидан забт этилиши воқеалари борасидаги маълумотларнинг муҳимлиги. Асарда тирик, ҳаракатдаги Хоразм адабий муҳитининг ифодаланиши. Мумтоз адабиётимизнинг кўплаб вакиллари ҳаёти ва ижодига оид янги маълумотлар, топилмалар мавжудлиги. Асарнинг жуғрофия, жой номлари тарихи, миллий урф-удумлар, тўй-маъракалар ҳақида йирик маълумотнома эканлиги.

## Манбалар:

Баёний. Ғазаллар. Тошкент, 1962 йил.

Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Тошкент, Ғ. Ғулом нашриёти, 1994 йил.

- Қ. Муниров. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. Т. 1959 й.  
 Н. Жумахўжа, Н. Адизова. Сўздан баҳолироқ ёдгор йўқдур... Т. 1994 й.  
 И. Адизова. Эл дардини куйлаган шеърят. Т. «Ўзбекистон» нашриёти, 1988 й.  
 Ж. Жумабоева. Инқилоб тароналари. Т. «Ўзбекистон» нашриёти, 1987 й.

## МУҲАММАД РАҲИМХОН ФЕРУЗ

(1844—1910)

Ўзбек адабиётида шоҳ-шоирлар. Ферузнинг адабий мероси. Шоир ижодини ўрганиш тарихидан: замондошлари наздида ва шўро адабиётшунослиги назарида.

Таржимаи ҳоли. Феруз шажараси — шоҳлар шажараси. Феруз шоҳ ва шоир. Феруз ва Хоразмда таржима мактаби. Адабиёт ва санъат раҳнамоси. Феруз мусиқашунос, моҳир созанда ва бастакор, санъаткор ҳам талабчан мухлис. Феруз — маориф ҳомийси ва тараққийпарвар. Илк матбаачилик ва адабий мерос тарғибидаги хизматлари. Хивага янги фан-техника ютуқлари (киноаппарат, фотоаппарат, телескоп ва грамафон)нинг кириб келиши ва унда Ферузнинг роли, Феруз ва Россия истилочиликлари сиёсати.

Феруз ва Хоразм адабий муҳити. Огаҳий ва Феруз. Феруз ва Комил. Феруз ва «Мажмуатуш-шуаро» тазкирасининг яратилиши. Феруз авлоди-янги шоирлар сулоласи: Комёб, Муродий, Оқил, Ғозий, Асад, Содик, Султоний, Саъдий.

Феруз лирикаси. Шоир шеърларининг ғоявий тематик доираси. Ишқ — шоир шеърятининг бош мавзуи. Феруз лирикаси жанрлари. Ишқий ғазаллар. («Ул ой васфини вурд этсам забонда», «Олса жоним қошу кўзинг, пкки лаб», «Солди олам ичра ғавфо, эй малаксиймо, кўзинг», «Гулшан ичра сарв ёхуд ул қади мавзунмудур?»).

Феруз ғазалларининг мусиқийлиги. («Офтобосо жамолнинг кўргач ўлдум, эй нигор», «Қилурман ютуб шавқи лаълингда қон», «Юз жилва, агарчи, қади раъносидадур-о»).

Ғазалларда фалакдан ва замонадан шикоят ва ҳасби ҳол. («Эй фалак, нетдим сени, душманлиг изҳор айладинг» ва «Кетур, соқий, бодан лаълранг»). Феруз лирикасида диалог усулининг ўрни. («Дедим: «Кўзимни равшан, эт, меҳри жамолнинг кўрсатиб», «Кулуб деди: менга бу кеча дилдор»). Феруз маснавийларида ҳажр изтироби, «чарҳи ғаддор», «ра-

қибн агёр» ва «бевафо ёр» шикояти. («Соқий, тут менга карам жомин», «Сано ҳамду холиқи жаҳонга»). Муҳаммасларда ёр тимсоли. Ферузнинг бадий маҳорати ва фасоҳатли тили. Ферузнинг ўзбек маданияти тарихидаги ўрни.

### Манбалар:

Феруз, Муҳаммад Раҳимхон. Не бўлди, ёрим келмади. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Нашриёт — матбаа бирлашмаси, 1991.

Феруз, Муҳаммад Раҳимхон. Не бўлди, ёрим келмади. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.

### Илмий адабиётлар:

Раҳим Давлатёв, Матрасул Шихназар, Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.

Аввз Комит. «Гарчи эрурман толеги Феруз». Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газети. 1994 йил, 30 сентябрь, № 39—40.

Жумаҳўжа Нусратулло, Адизова Иқболой. Феруз адабий муҳити. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати газети. 1994 йил 1 июль, № 27.

## АҲМАД ТАБИБИЙ

(1869—1911)

Ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот. А. Н. Самойлович Табибий ҳақида. Табибий ва мумтоз адабиёт. Муҳаммадраҳим Феруз саройидаги шоирлар ва Табибий. Табиб ва шоир. Табибий ижодида тазкиранавислик анъаналарининг ривожлантирилиши. «Мажмуатуш-шуаро»нинг вужудга келиши. Мазкур тазкиранинг Хоразм адабий муҳити, қолаверса, ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда муҳим манба эканлиги.

Табибийнинг лирик ижоди. Унинг учта ўзбекча ва иккита форсча девони ҳақида маълумот. «Не хушдур фасли боғичра бир зебо санам бўлса», «Макон этгач ўзига гар жинондек гулистон булбул» деб бошланувчи ғазаллари таҳлили. Табибий мусаддаслари, рубоийлари.

«Вомиқ ва Азро» достони. Осафи ва Шакардухт муҳаббати. Уларнинг ўз муродларига етишишлари. Асардаги сўфиёна мазмун. Достонга «Фарҳод ва Ширин»нинг таъсири.

Табибийнинг санъат, музыка, хаттотлик соҳасидаги фаолияти.

Шоир, тазкирашунос олимнинг ўзбек маданияти тарихидаги ўрни.

## М а н б а :

Табибий. Танланган асарлар. Т. 1968.

## И л м и й   а д а б и ё т :

Ганиходжаев Ф. Жизнь и творчество Ахмеджана Табиби. АҚД. Т. 1968.

### **МУҚИМИЙ** **(1850—1903)**

Муқимий ҳаёти ва адабий меросининг ўрганилиш тарихи. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот. Шоирнинг миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг забардаст вакилларидан бири эканлиги. Ижодий мероси ҳақида маълумот.

Муқимийнинг болалик ва ўқиш йиллари. Бухоро таҳсили. Муқимийнинг Кўқонга қайтиши. Шоир ижодининг бурилиш даври. Муқимий ва ҳукмрон доиралар. Муқимийнинг Тошкентдаги ҳаёти (1887, 1892, 1899 йиллар). Шоирнинг Тошкентдаги маданий ҳаётни чуқур ўрганиши, бу ерда унинг иштирокида ўтказилган адабий анжуман ва мушоиралар. Муқимий ва Тошкентлик шоир Алмай. Шоир ҳаётининг сўнгги йиллари.

Муқимийнинг ижодий мероси, унинг тавсифи. Шоир меросини ўрганиш манбалари. Муқимий ижодининг асосий тараққиёт босқичлари.

Муқимий — лирик шоир. Шоир лирикасида муҳаббат мавзуи. Унинг шеърларида инсоний муҳаббат, соф севги мадҳи («Ошиқ бўлибман», «Айрилмасун», «Ўзим ҳар жойдаман», «Ақлу ҳуш учди бошимдин...» каби). «Ёлғуз» радиопли азали сўз санъати мўъжизаларидан бири эканлиги. Асарни ўқиган киши кўзи ўнгиде жонли ва сеҳрли ҳаёт манзараларининг намоен бўлиши. Шоир асарларида лирик қаҳрамон талқини. Муқимий шеърларида гавдаланган лирик қаҳрамон дўстлик, садоқат, самимият, вафодорлик, мақсад йўлида сабот ва матонат билан курашиш каби фазилатларни ўзида мужассамлаштирган инсон эканлиги. Муқимий шеърларида кўринган шикоят оҳанглари. «Толем» азалининг таҳлили. Ҳазалда толе ва бахт тушунчаларининг ижтимоий йўсинда талқин этилиши. Ҳазалда шоир кайфиятини ифодаловчи «Рўзғорим тийра, иқболим забун, бахтим қаро» мисраларининг унинг бошқа асарларида ҳам

давом эттирилиши («Бири», «Интизом ўлтургиси», «Доғ-мен» каби).

«Навбаҳор» шеъри. Баҳор — ҳаёт, тириклик рамзи сифатида. Ижтимоий тартиблардан — булбуллар ўрнини зоғлар эгаллаганидан норозилик. «Аҳли тамиз»нинг жамиятдаги қадри хусусида. Мавжуд тузумдан шикоят оҳанглари акс этган «Ким десун» радифли газали. Шоир шеърларининг бадий хусусиятлари. Муқимийнинг лирик маҳорати. Шоирнинг аруздаги маҳорати. Унинг ўз шеърлари мазмун-муҳиятидан келиб чиқиб вазн танлагани.

Муқимий ҳажвиёти. Шоирнинг сатирик ижодида бу давр ижтимоий иллатларининг кескин танқиди. Виктор, Лахтин, Ҳодихўжа ҳақидаги туркум ҳажвий шеърий ҳикоялар. «Танобчилар» ҳажвиясида таноб воқеаси тасвири. Ушбу асарнинг мукамал сатирик ҳикоя эканлиги. Ҳикояда Султон Али Хўжа, Ҳакимжон каби такаббур, мақтанчоқ, ҳаромхўр амалдорларнинг фош этилиши. Танобчиларнинг ўзбошимчаликлари. Элнинг гумроҳлиги.

«Тўй» сатирик ҳикоясида зиқналик, итоаткорлик, малайлик каби иллатларнинг танқиди. Гап ва иш номувофиқлиги. Хўжайин образида ғайринсонийлик — «Агар умидингиз бўлса биздан, манфаат кўрмасин биров сиздан. Мен ризомас кишига нон берсанг, ё товуқ асрасангу дон берсанг» каби мисраларнинг шарҳи. Гумаштанинг ёлгон чиранишлари тасвири. Муқимийнинг сатирик образ яратишдаги маҳорати.

Шоир сатирик ижодида сиёсий мавзу. Унинг «Сайлов» шеъри — чоризм ва маҳаллий амалдорлар қиёфасини чиқишга бағишланган сатирик асар сифатида. Бу мавзунинг адабиётимиз тарихида янги мавзу эканлиги. Шоирнинг ушбу мавзуга яна қайтиши — ғазал шаклидаги «Сайлов» асарига мухаммас боғлаши. Унда ҳукмрон тузум сиёсатига хос иллатлар янада кескинроқ танқид қилиниши. Муқимийнинг сайлов мавзусидаги асарлари таъсирида адабиётимизда пайдо бўлган мазкур мавзудаги асарлар туркуми.

Муқимий юморлари. «Московчи бой таърифида» асари. Унинг қаҳрамони — Ҳодихўжа Муқимий сатирасининг таниқли ва доимий объектларидан бири. Асарда мустамлакачилик даври ҳаётининг реал акс эттирилиши.

«Ҳажви Виктор бой», «Ҳажви Виктор», «Воқеаи Виктор» шеърий ҳикоялари мустамлакачи капиталистлар кирдикорларини дадил фош этган асарлар экани. Бу уч ҳажвий ҳикоянинг ёзилишига сабаб бўлган Виктор Димитрович Ахматов шахси ҳақида маълумот. Унинг товламачилик фао-

лияти билан боғлиқ воқеалар. Шу мавзуні давом эттирувчи «Дар шикояти Лахтин» шеъри.

«Воқеаи кўр Ашурбой» сатирик ҳикояси. Унда эл кўзига ҳожи, диёнатли инсон бўлиб кўринган Ашурбойнинг ахлоқан бузуқ, маънавий тубан бир кимса сифатида тасвирланиши. Ҳикоя хотимасида келтирилган: «Ҳақорат қилинган кишилар қолиб, топиб бой сўзи бунда эътибор. Қачон камбағалнинг сўзи ўтар, агар бўлса ақчанг, сўзинг зулфиқор» мисралари замиридаги ижтимоий юк.

«Ҳажви халифани Мингтепа» асари. Муқимий талқинидаги Дукчи эшон тимсоли. Исёнкор эшон ҳақидаги ҳақиқат ва бадий тўқима. Дукчи эшон раҳбарлигидаги халқ қўзғолони ва бадий адабиёт. Бирёқлама талқин сабаблари.

Муқимий юморлари. Шоир ижоди таъсирида вужудга келган бу давр адабиётидаги юмористик туркумлар («От», «Кўса»). «Кўсамен» юморининг таҳлили. Унда самимий мутойибадан ташқари кулги остида аччиқ ҳақиқат ётиши. Шоирнинг бу мавзудаги «Ҳайрон кўсамен», «Паришон кўсамен», «Девонамен» юморларида ҳам йиғи аралаш кулгининг ифодаланиши.

Муқимийнинг «От», «Ҳажви от», «Бу отингиз», «Отим», «Дар сифати аспи Тожи телеграфчи ба тариқи ҳажв Муқимий гуфтааст» каби от мавзуидаги юморларида аянчли жонивор устидан кулиш баробарида жамиятдаги қашшоқ ҳаёт, инсон турмушининг қийинчиликлари ҳақида сўз кетиши. «Таърифи печ» — шоирнинг халқ турмушининг фаровон бўлиши ҳақидаги орзулари ифодаланган асар.

Муқимий «Саёҳатнома»лари. Ўзбек адабиётида «Саёҳатнома»лар тарихидан (Алишер Навоийнинг «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», Бобурнинг «Бобурнома», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Махмурнинг «Таърифи вилояти Қурама ва аз довони Кандир гузаштан» асарлари). Бу жанрнинг ўзбек мумтоз адабиётида ўзига хос шаклланиш в ривожланиш тарихига эгаллиги. Муқимийнинг миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида маълум ғоявий ва бадий хусусиятларга эга бўлган «Саёҳатнома» жанрини бошлаб берган шоир экани. Қўқондан Фарғонага, Қўқондан Шохимардонга, Қўқондан Исфарага йўналишларидаги «Саёҳатнома»ларнинг таҳлили. «Саёҳатнома»ларда шоир образининг акс этиши. Шоир тилидан берилган «Афлок кажрафтор», «Дунё қурилган дор», «Кўнгил афгон», «Оламда йўқ бениш асал» каби ижтимоий мазмундаги хулосаларнинг шарҳи. «Саёҳатнома»ларда ҳоким гуруҳларнинг танқиди. Чор ва маҳаллий маъмурларнинг ноҳақликларининг аёвсиз фош

этилиши. «Саёҳатнома»ларда она-Ватаннинг гўзал табиати тасвири жозибали бўёқларда акс этиши, шоирнинг табиатга бўлган муносабати, руҳий ҳолатларининг берилиши.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида саёҳат мавзуси ва бу жанрда асар ёзиш анъаналари. Завқий, Фурқат, Нодим, Гурбат «Саёҳатнома»лари.

Муқимий ижодида мактуб жанри. Шоирнинг шеърий ва насрий ёзишмалари. Уларда давр зиддиятларининг, шоир руҳиятининг акс эттирилиши. Ўзбек мумтоз адабиётида мактуб жанри. Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодим ва бошқа ижодкорлар ўртасидаги ёзишмалар ўз даври ижтимоий масалаларини акс эттирган асарлар эканлиги.

Муқимий ва музыка. Муқимий ижодининг ўзбек музыка маданиятининг тараққиётига кучли таъсири. «Муқимий ва Фурқат ашулалари» тўплами (1958) ҳақида маълумот. Муқимий ва замонамиз.

Муқимий ижодининг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни.

#### Манбалар:

Муқимий. Танланган Асарлар, 2 томлик. Т. 1960—1961 й.  
Муқимий. Асарлар. Т. 1974.

#### Илмий адабиётлар:

- Ғ. Каримов. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-киتاب. Т. 1975.  
Ғ. Каримов. Муқимий ҳаёти ва ижоди. Т. 1970.  
А. Абдуғофуров. Муқимий сатираси. Т. 1976.  
Фурқат ва Муқимий ҳақида мақолалар. «Ўздабиёти нашр», Т. 1958.  
С. Аҳмедов. Ўзбек адабиётида «Саёҳатнома». Т. «Адабий мерос». 1986.  
С. Аҳмедов. Ўзбек демократик адабиётида шеърий ҳикоя. Т. 1987.

### МУҲИИДДИН МУҲАММАД РИЗО ОХУНД УҒЛИ МУҲИИ (1835—1911)

Муҳий ижодини ўрганиш тарихидан: замондошлари (Қамий, Фансуруллобек, Камина...) ва кейинги давр адабиётшунослари (Ғ. Ғулом, Ҳ. Зарифов, Ғ. Каримов, А. Қаяюмов...)нинг муносабати.

Таржиман ҳоли. Турмуш тарзи. Муҳий ва Қўқон адабий муҳити. Муҳий ва Тошкент шоирлари.



Муҳйиннинг адабий мероси. Муҳйин — зуллисонайи шоир Шоир шеърятининг манбалари. Шоир лирикаси. Жанрлар хилма-хиллиги. Муҳйин ижодида ишқ мавзуи. («Гунча оғзин қилса нисбат ногаҳон ёр олдида», «Ақлимни олди ногоҳ ул шўҳи моҳталъат», «Қайси гулшанни сенингдек бир гули раъноси бор?», «Қайси маҳфилда агар бўлса ўшал жонона шамъ»). Шоирнинг таркидунёчилик ва хилватнишинлик кайфиятлари («Бўлма гулруҳлар юзига мубтало», «Гар айла-санг, биродар, сен ихтиёри хилват», «Бўлмади кўнглим мани мужгон сиёлардни халос»).

Муҳйиннинг ғазал-муножотлари ва уларда шоир дунёқара-шининг инъикоси. («Ўтуб умрум хато бирлан кечургай-сан гуноҳ, ёраб», «Мани ишқи мажозийга гирифтор айла-ма, ёраб»). Фалақдан шикоят оҳанглари («Эй чархи сиф-лапарвар, ман сандин айлайни дод», «Тобмадим гулшанда ҳаргиз бир тикон...»). Муҳйиннинг фахрия-байтларида ўз ижодидан ифтихор туйғусининг акс этиши. («Лабларингдин лаъли дармондур хижил» ва «Баҳор айёми хушдур гулшани боғ» деб бошланувчи ғазалларидан). Муҳйин қитъаларининг тарбиявий аҳамияти. Шоирнинг бадий тафаккури ва адабий тили.

### Манбалар:

Шеърлар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 1992 йил, 9 октябрь, № 41.

### Илмий адабиётлар:

Ғулом Ғафур, Муқимий ва Муҳйин, МАТ, II-том, Тошкент. «Фан» нашриёти, 1989.

Каримов Ғулом. Муқимий. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1970.

Ҳайитметов А. Мавлоно Муҳйин. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 1992 йил, 9 октябрь, № 41.

Зоҳидов Н. Муҳйиндин Муҳаммад Ризо Охунд ўғли Муҳйин. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналі, 1994 йил, 3-сон, 46—48-бетлар.

## ФУРҚАТ

(1859—1909)

Фурқатшунослик тарихи. Шоир ижодига инқилобгача

бўлган қизиқиш: «Аҳволот»да бўлажак шоирнинг оила ва мактаб муҳити, илк устозлари, мумтоз шеърятга қизиқиши, шунингдек Фарғона ҳамда Тошкент даври фаолиятига оид муҳим маълумотлар. Ҳамюртларининг янгича маърифатпарварликка муносабати хусусида муаллифнинг шохидликлари, 10-йиллар ўрталарида Фурқат лирик меросига икки хил муносабат.

Инқилобдан кейинги 20 йил мобайнида Фурқат шахси ва ижодига салбий муносабатнинг сабаб ва оқибатлари. Асримизнинг 30-йиллари охиридан Фурқат ҳаёти ва ижодига, меросига янгича қарашларнинг бошланиши.

Фурқатшунослик тадрижи: Х. Расул — янгича йўналишдаги биринчи фурқатшунос. Шоирнинг чет эл фаолияти билан боғлиқ масалалар хусусида Ғ. Ғулум мақолларида, Ф. Каримовнинг бу соҳадаги хизматлари, И. Мўминов, В. Зоҳидов, М. Хайруллаев каби файласуфлар, Х. Воҳидов, Ж. Усмонов каби педагог-мутахассислар, М. Шайхзода, А. Мухтор каби шоирлар, И. Султон, М. Юнусов, А. Абдуғафуров, Э. Қаримов, С. Мирвалнев, Л. Қаюмов каби филолог-олимлар мақолаларида фурқатшунослик кўламининг кенгайтирилиши, махсус уч мақолалар тўпламининг чоп этилиши (1958, 1959 ва 1991 йиллар). 70-йилларда А. Абдуғафуров монографиясида, 80-йилларда эса Ш. Юсупов монографияси ҳамда А. Қаюмов эссесиде янгича таққинлар. 90-йиллар фурқатшунослигида янги мавзулар, янги тадқиқотлар.

Собиқ иттифоқ ҳудудида (А. Зирин, О. Гажиёв, Х. Кўрғўли ва бошқалар), узоқ хорижда (Э. Олворт, Л. Тиллат ва бошқалар) Фурқат ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотларнинг вужудга келиши, уларнинг ютуқ ва камчиликлари.

Фурқатнинг таржимаи ҳоли. Зокиржон Холмуҳаммад ўғли «жужъиёт илмига иқтидори бор» оилада дунёга келганлиги, эски мактабда таълим олиши, Шарқ мумтоз шеърияти ва насрини шитоб билан ўрганиши, Қўқон хонлиги тахтининг қулаши билан мадраса таълимини чала қолдиришга мажбур бўлиши. Янги Марғилондаги фаолият Фурқат шахсини етук зиёли ва шоир сифатида шакллантириши. Ёш шоир Қўқон адабий муҳитида камол топиши: мумтоз шоирлар ғазалларига татаббулар қилиши, тахмислар боғлаши, диний шеърятнинг энг яхши намуналари қаторида турадиган наътлар ва ҳамдлар битиши, йирик шеърини ва насрий таржималари, ёш қаламкашларни тарбиялашдаги хиз-

матлари. Даврнинг пешқадам шоирлари Муқимий, Писандий, Умидий-Ҳавоий ва бошқаларнинг шоир газалларига та-таббу ва тахмислари. Шоирнинг Қўқонда оила қуриши, лекин тез орада эски Марғилонга жўнаб кетиш сабаблари ҳақидаги турлича фикрлар. Фурқатнинг бу шаҳардаги фаолиятида алоҳида аҳамият касб этган дўстлари Рожий Марғилоний, Тошболту, Рамзий, Умидий-Ҳавоий, Мирзо Шариф, Қарший домулло, Ҳожи мударрис ва бошқалар ҳақида маълумот. Шоир ҳаётининг Хўжанд даври билан боғлиқ тафсилотлар.

Тошкентдаги фаолият Фурқат биографиясида алоҳида муҳим босқич сифатида. Унинг Тошкентга узоқ муддат яшаш учун келиши сабаблари. Фурқат Тошкентдаги янгича маърифатпарварлар (Сатторхон, Сайдрасул домла, Шарифхўжа, Муҳиддинхўжа, Инъомхўжа, Жўрабек ва бошқалар) орасида. Шоирнинг тошкентлик зиёли ва санъаткор дўстлари (Маҳмудхўжа, Ҳожи Аъзам, Абдулазизхон, Юсуфбойвачча, Қори Сиддиқ, Вали ҳожи, Хўжахон аълам. Убайдулло маҳдум Жамолхон маҳдум, Тўйчи ҳофиз, Исо ҳофиз, Мирзо Қосим ҳофиз, Саъдулло ва бошқалар) ҳақида маълумот. Фурқатнинг янгича маърифатпарварлик фаолияти. Фурқат ва Туркистонлик рус зиёлилари (Остроумов, Наливкин, Назаров, Митрополский, Степанов, Андреев ва бошқалар).

Фурқатнинг чет эллардаги фаолияти. Чет элга жўнаш сабаблари ҳақида тадқиқотчилар фикрлари: Шу масалага алоқадор архив ҳужжатлари. Дониш истиқомат жойи учун Ёркент танланганлигининг сабабларига доир баъзи мулоҳазалар. Шоирнинг шарқий туркистонлик дўстлари (Тажаллий, Комилжонбой, Умарҳожи, Хаста, Шарифохун, Абдураим охун ва бошқалар) ҳақида маълумот. Чет элдаги фаолият Фурқат маърифатпарварлигида янги босқич: ўзининг рус тилини ўрганишда давом этиши, уйғур, ўрду, хитой тилларини эгаллаб олиши; газетани ташвиқ-тарғиб этиши; шеърий таржима масалалари билан шуғулланиши; химия, физика, астрономиядан маълумот берувчи асарлар яратиши; ўз юрти билан Шарқий Туркистон ўртасида савдо-сотиқ, айниқса китоб савдоси ишларини йўлга қўйиш тадбирларини матбуотда ёритиши, уйғур халқи этнографиясига оид асарлар эълон қилдириши.

Бу даврда шоирнинг «Туркистон вилоятининг газети» билан алоқаси ва унда эълон қилинган асарлари. Фурқат умрининг охирига қадар Ёркентда ҳийла билан ушлаб тури-

лиши. Шоир вафотига Шарқий Туркистондаги ва Тошкентдаги ҳукмрон доираларнинг муносабати.

Фурқат ижодий мероси.

Шоир лирикасининг мавзулар олами; дунёвий муҳаббат; ижтимоий-фалсафий ўйлар акс этган асарлар; инсон эрки ва ғурбат оҳанглари ифодаланган асарлар; диний мавзуларга, диний маърифатпарварликка алоҳида эътибор қаратилганлиги («Ҳажномаи Фурқат»).

Фурқатнинг янгича маърифатпарварлик мавзуидаги ғазал ва манзумалари.

«Аҳволот» — XIX аср II ярмидаги ўзбек насрининг ёрқин намунаси, Фурқат публицистикаси. Унинг илмий-этнографик асарлари («Илми шеърни қондаи авзонининг баёни», «Гап хусусида», «Аза хусусида», «Тўй хусусида» ва бошқалар). Фурқатнинг шеърини ва насрий мактублари.

Фурқат ижодининг республикамизнинг мустақиллик даври учун аҳамияти.

### Манбалар:

Фурқат. Танланган асарлар. Икки томлик. Ўздавадабийнашр, Тошкент, 1959.

Фурқат. Танланган асарлар, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1980.

Зокиржон Фурқат. Асарлар мажмуаси. Икки жилдлик. Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлғезмалар институти таҳрир ва нашриёт бўлими. Тошкент, 1991.

Мумтоз манзума. «Ўзбек адабиёти ва санъати», 11 сентябрь, 1992.

Саёҳати Фурқат. «Ўзбек адабиёти ва санъати», 14 декабрь 1990.

### Илмий адабиётлар:

Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат. Тошкент, Фан, 1977.

Расул Ҳ. Фурқат. Танқидий-биографик очерк. Ўзбадийнашр, Тошкент, 1959.

Юсупов Ш. Фурқат йўлларида. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1984.

Юсупов Ш. Ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ва Фурқат. Ўзбекистон, Тошкент, 1992.

«Зокиржон Фурқат». Мақолалар тўплами. Ўзадабийнашр, Тошкент, 1959.

«Фурқат ва Муқимий ҳақида мақолалар», Ўзадабийнашр, Тошкент, 1958.

Фурқат ижодиёти. Тошкент, Фан, 1990.

## ЗАВҚИЙ (1853—1921)

Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот. Ижодининг та-  
раққиёт босқичлари. Ижодий мероси.

Завқий — лирик шоир. Шоир ижодида муҳаббат лири-  
каси. «Келмаса келмасун нетай?» радифли газали ўзбек  
мумтоз адабиётининг гўзал анъаналарини давом эттириб  
ёзилган асар экани. Шоирнинг «Бодаи васлинг» деб бошла-  
нувчи газалида шахсий ва ижтимоий туйғуларнинг муштар-  
рак ифодаланиши. «Юзингни кўрсатиб аввал» мухаммаси  
жўшқин лиризм ва чуқур самимият билан суғорилган му-  
каммал асар эканлиги.

Завқий ижодида сиёсий лирика. Шоирнинг сиёсий-гражд-  
данлик мавзудидаги «Демиш хон», «Ажаб эрмас», «Фарғона»  
асарлари сиёсий лириканинг мукаммал намуналари сифа-  
тида. Бу асарлардаги замонасозлик кўринишлари, уларнинг  
шоир орзу-умидлари акс этган шеърини полотнолар экани.

Завқий ҳажвиёти, Завқий — Муқимий бошчилигидаги  
сатирик мактабнинг етакчи намояндаси. Шоирнинг «Замона  
кимники?», «Дар мазаммати замона», «Бўл», «Мунча  
кўп» шеърлари ижтимоий сатиранинг ажойиб намуналари  
бўлиб, уларда меҳнаткаш халқнинг кулфати ва машаққат-  
ли ҳаёти, аянчли аҳволи реал картиналарда тасвирлангани.  
«Бўл» радифли ҳажвий газали, унда ҳажв ўқи «ҳаргиз ни-  
шонга тегмайдиган» гаддор замонага берилган тавсиф. «Век-  
сель» сатирасида капиталистик муносабатлар танқиди.  
«Ҳажви Йикчи эшон» сатирасида Завқий томонидан Йикчи  
эшоннинг «фосҳ» этилиши. Ушбу мавзуда яратилган асар-  
ларга билдирилаётган кейинги фикрлар.

«Афандилар» шеърининг тарихи ва таҳлили. «Ал-ислоҳ»  
журналида 1916 йилда бошланган адабиётнинг жамият ах-  
лоқини тарбиялашдаги ўрни ҳақидаги баҳслар. Унда Зав-  
қийнинг ўз мақолалари билан чиқиши. Ушбу муҳофазалар-  
нинг мазмуни ва моҳияти ҳақида маълумот.

«Ҳажви аҳли раста» сатирасида маҳаллий ҳоким гуруҳ-  
ларнинг кескин танқид этилиши. Бу асарнинг Завқий тар-  
жиман ҳолидаги ўрни. Ҳоким гуруҳлар ва Завқий ўртасида-  
ги зиддиятлар ва шу муносабат билан яратилган «Таладинг  
баринг!» радифли шеърининг таҳлили.

Завқий юморлари. «Отим», «Фонус», «Пашшалар», «Таъ-  
рифи калиш» шеърининг таҳлили.

Завқий дostonлари. «Воқеан қози сайлов» — чор Россия-

си идора усулларини танқид қилувчи асар. Унда Мулла-Қамол, Шокир қора, Олим қовоқ, Ҳасанжон аълам, Мединский каби рижкор маҳаллий ва чор амалдорлари қиёфаларининг фош этилиши.

«Қаҳатчилик» муҳим ижтимоий ҳодисаларни акс эттиришга бағишланган дoston эканлиги. Бу асарда биринчи жаҳон уруши натижасида вабо, очлик, қаҳатчиликка дучор қилинган Қўқон халқининг 1916 йилда бўлиб ўтган норозилик галаёиларининг реал акс эттирилиши.

Завқий «Саёҳатнома»лари. Уларда табиат манзаралари, қишлоқ амалдорлари ва меҳнаткаш халқ аҳволининг тасвирланиши.

Завқий шеърятининг тили ва услуби. Шоир асарларининг жанр ва бадий хусусиятлари.

### Манбалар:

Завқий. Танланган асарлар. Т. 1958.

### Илмий адабиётлар:

Раззоқов Ҳ. Завқий. Ҳаёти ва ижоди. Т. 1955.

Ғ. Каримов. Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи», 1987 й.

## АНБАР ОТИН

(1870 — вафот йили номаълум)

Анбар Отин — ўтган асрнинг иккинчи ярми ва ХХ аср бошларида яшаб ижод этган шоира.

Анбар отиннинг таржимаи ҳоли. Дилшод Барно ва Анбар муносабатлари, Дилшод Барнонинг «Тарихи муҳожирон» асарида Анбар отин ва бошқа шогирдлари ҳақида.

Анбар отин ва Қўқон адабий муҳити. Унинг ижодига Алишер Навоий, Нодири ва Увайсийларнинг таъсири.

Анбар отин лирикаси. Шоира лирикасида соф севгининг тараннум этилиши. Анбар отин — аёл қалбини, ҳис-туйғуларини ўзига хос куйловчи шоира. Ёш шоира ҳаётида юз берган фожиали воқеа ва унинг бир умрга шол бўлиб қолиши.

Шоира ҳаётида шеърятнинг ягона ҳаётин заруриятга, ҳаёт билан, давр билан ҳамнафас бўлиш қуролига айланиши.

Анбар отин шеърятисида лирик қаҳрамон.  
Анбар отин — соҳиби девон шоира. Шоира девонининг ту-  
зилиши.

Шоира ижодида ижтимоий-сиёсий мавзу.

Анбар отин ва Муқимий бошчилигидаги адабий ҳаракат-  
чилик. Анбар отин ижодида ҳукмрон доираларнинг кескин  
фош этилиши. «Эй гўзал Фарғона, ўзингни кел эмди шод  
қил» деб бошланувчи муҳаммасида озодлик, халқ истиқбо-  
лининг куйланиши. «Қўшулуб мулки Фарғона...» деб бош-  
ланувчи шеърисида Россиянинг мустамлакачилик сиёсатининг  
фош этилиши.

Анбар отиннинг «Қаролар фалсафаси» — мавжуд соци-  
ал ҳаётни фош этувчи, истиқболни куйловчи асар. Асарда  
қора тақдирли оналар қисмати ҳақида. «Қаролар фалсафа-  
си»да озодлик, истиқбол туйғуларининг тараннум этилиши.

Асарда шоиранинг эстетик қарашларининг ифодаланиши.  
Анбар отин — маърифатпарвар шоира.

Анбар отин шеърятисида келажакка ишонч туйғулари.  
«Бир замонни ўйлағайман, ҳеч замонга ўхшамас» ғазали.

Анбар отин шеърятининг ўзига хос хусусиятлари.

### Илмий адабиётлар:

Анбар отин. Шеърлар, рисола.

Ғ. Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т. 1970 й.

Ф. Хусаинова, Демократ шоира Анбар отин, Ўзбекистон «Би-  
лим» памяти. Т. 1964 й.

Ғ. Каримов, Ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи» нашриёти, Т.  
1975 й.

Ўзбек адабиёти тарихи, 5 жилдлик, 5-жилд, Ўзбекистон ССР  
«Фан» нашриёти, Т. 1980 й.

### ИСҲОҚХОН ИБРАТ

(1862—1937)

Исҳоқхон Ибрат — XIX аср иккинчи ярми ва XX аср  
бошларида яшаб ижод этган маърифатпарвар шоир, публи-  
цист, тарихшунос, тилшунос олим, сайёҳ, илк ўзбек матба-  
ачиларидан бири.

Ибратнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти.

Ибратнинг чет элларга саёҳати.

Исҳоқхон Ибратнинг «усули жаид» мактаблари очиши

ва бу мактабларнинг кенг тарқалиши учун кураш олиб бориши. Исҳоқхоннинг «усули жаид» мактаби учун яратган «Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий» асари ҳақида.

Ибрат — маърифатпарвар шоир. Унинг «Илми Ибрат» шеърӣ тўплами.

Шоирнинг ҳажвий шеърлари: «Қарз», «Бўлубдур», радибли шеърлари.

Исҳоқхон Ибрат — илк ўзбек матбаачиларидан бири. «Матбааи Исҳоқия», «Кутубхонаи Исҳоқия»нинг вужудга келиши. Матбуотда чоп этилган асарлар ҳақида маълумот.

Исҳоқхон Ибрат — ўзбек тилшунос олими. Унинг «Луғати ситти ал-сина» асари ҳақида. Асарнинг кўптилли луғат тузишда, ўзбек лексикологияси тараққиётида тутган ўрни.

Олимнинг «Жомеъул хутут» асари — ўзбек тилшунослигида ёзувлар тарихига бағишланган биринчи асар.

Исҳоқхон Ибрат — тарихчи олим. Унинг «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданвият», «Мезонул замон» асарлари ҳақида. «Тарихи Фарғона» асарида Қўқон хонлиги тарихининг ҳаққоний аке этирилиши. Асарда 1842 йил Насруллонинг Қўқонни босиб олиши воқеаларининг ҳаққоний тасвирланиши. Муаллифнинг рус босқинига муносабати. Шоирнинг шўролар давридаги фожиали тақдири.

#### **Манба:**

Исҳоқхон Ибрат. «Тарихи Фарғона», «Мерос» тўллами, Т. 1992.

#### **Илмий адабиётлар:**

Б. Қосимов, У. Долимов. Маърифат дарғалари. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1990 й.

У. Долимов, Исҳоқхон Ибрат. Истиқлол фидойилари, «Шарқ» матбаа-концерни, Тошкент, 1994 й.

### **ЮСУФ САРЕМИЙ**

**(1840—1912)**

Ю. Сарёмий — XIX асрнинг 2-ярми ва XX аср бошлари ўзбек адабиётининг вакили. Шоир ижодининг ўрганилиш тарихидан. Таржимаи ҳоли.

Муҳаммад Юсуф мулла Абдушукур ўғлининг саводхон онлада дунёга келганлиги, оилавий муҳит. Эски мактабда,



Сайрам, Тошкент ва Бухоро мадрасаларидаги таҳсил йиллари. Сайрамга қайтиши. Шоирнинг турмуши. Қишиларга муҳр ясаб бериши ва хаттотлик билан кун кечириши. Шоирнинг Тошкент, Қўқон, Хўжанд, Бухоро шаҳарларига сажатлари. Тошкентнинг «Кўкалдош», «Бекларбеги» мадрасаларида бўладиган шеърхонликларда иштироки, у ердаги дўстлари Шоҳмурод котиб, (Тигбандий), Қосимхонтўра Музташиб, Раҳимхўжа Хатмий, Мираҳмад Мирий, Тошхўжа Асирий, Фазлуллоҳ Алмаий, Қаримбек Қамий ва бошқалар. Улар билан муносабат. Шоир ҳаётининг сўнгги йиллари.

Ижодий фаолияти. Ижодининг бошланиши. Тавалло томонидан тузилган «Баёзи Мавлавий Юсуф Сарёмий» ҳақида маълумот. Шоир лирикасининг гоявий-тематик йўналиши. Жанрлари.

Ҳажвиёти ва сатираси. «Эчкигинам», «Эт», «Нурхон эшон», «Салламно» ҳажвияларида хасислик, дунёпарастлик, манманлик каби салбий иллатларнинг усталик билан фож этилиши. Ю. Сарёмийга нисбат берилувчи Сайрам тарихига оид «Рисола» ҳақида. «Рисола»да тилга олинган тарихий-географик жой номлари, реал воқеалар ва шахслар ҳақида.

Ю. Сарёмийнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни.

### М а н б а :

Ю. Сарёмий. «Шеърлар». Сайрам — 1990 й. (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Мираҳмад Мирхолдоров).

«Ўзбек адабиёти». 4-том, 1-китоб. Тошкент — 1959 й.

«Ўзбек адабиёти тарихи», 4-том, Тошкент — 1978 й.

### И л м и й   а д а б и ё т л а р :

С. Зуфаров. Нодир қўлёмалар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнаси, 1954 йил. 4-сон.

С. Зуфаров. Ю. Сарёмий изидан, «Тошкент оқшоми», 1988 й. 18 июнь.

Б. Қосимов. Муҳаббат аҳлининг гулшани, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1990 й., 5 октябрь.

М. Мирхолдоров. Сайрамлик шоир, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1990 й., 10 август.

## КАРИМБЕК КАМИЙ

(1865—1922)

Камий — Миллий Уйғониш даври ўзбек адабиётининг вакили. Шоир ижодига муносабат масаласи (Муқимий, Сидқий Хондайлиқий, Амоний М. Тошқин, Ойбек). Танқидий қарашлар: адабий-эстетик ва фалсафий қарашлар тўқнашуви (Анбар отин, Иброҳим Даврон), «Совет» ча мафкуравий танқид (Ҳ. Зарифов, А. Абдуғафуров).

Камий адабий меросининг манбалари. Камий баёзлари — адабий манба. Шоир ижоди ва «Туркистон вилоятининг газети». Жадид матбуотига муносабати ва унга иштироки.

Камийнинг таржимаи ҳоли. Камий ва Тошкент адабий муҳити. Адабий ёзишмалар, мусоҳабалар ва мушоиралар. Камий ва Муқимий. Камий — устоз шоир. Турмуш тарзи ва одатлари.

Камий ижодининг мавзулар кўлами. Илк лирикаси: анъанавий руҳ ва шакл. Ер васфи ва ҳажр изтироби. Бадний маҳорат: бадний тафаккур ва учқур тахайюл. Тахмис боғлаш адабий мусобақа усули (Фузулий, Ҳувайдо, Муқимий ва Ҳазиний газалларига боғлаган мухаммаслари).

Камий — маърифатпарвар шоир. Шоир маърифатчилигида Қуръонни қарим ва ҳадиси шарифларнинг асос эканлиги («Дар таърифу тавсифи илм...», «Дар таърифи мактаб», «Ҳар маконда бўлсанг...», «Ай, эй мулла Фозилжон қори» шеърлари).

Камий ижодида «чархи бадмеҳр», «замона халқи» ва «аҳли нақш»лардан шикоят («Шикояти аз чарх», «Яхши», «Ал-амон, юз-аламон...», «Муқаррар, ҳар кимнинг...», «Ё раб, замона халқи...» ва «Аҳволи замона» шеърлари мисолида). Камий ижодида сиёсий лирика. Тарихий воқеълик ва унинг бадний талқини («Табрики ҳуррият», «Шикоятномаи Камий аз инқилоби замона ва аҳли замона» ва «Қаҳатчилик» шеърлари).

Шоир ижодида миллий уйғониш мавзуи («Солди беилмиқ хатолари», «Рожоки, камчили(к) кам-кам бўлур тараққиёт» шеърлари асосида).

Камийнинг таърих жанридаги шеърлари. Таърих-марсиялар (Муҳйи, Асирий, Исмоилбек Гаспрали вафотига таърих-марсиялари).

Ҳажвиёти: «Майхўр йигит хусусида» ва «От» ҳажвий шеърлари ва адабий таъсир масалалари.

Камий дунёқараши. Шоир ижодида тасаввуфий унсур-

лар. Диний мавзу. Жадидча ва қадимча қарашлари. Камий шеърятининг тили.

### Манбалар:

- Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси, II том. (XV—XIX асрлар.), Тошкент: Ўздавнашр, 1945.  
Антология узбекской поэзии, Москва, 1950.  
Ўзбек адабиёти (мажмуа) Тошкент, 1960.  
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газети, 1990, 28 декабрь, № 52.  
Малоҳат мулкнинг сен подшоҳи. «Тошкент университети» газети, 1994 й. 25 февраль.  
Бу гулистоннинг эрурман булбули. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газети, 1994 йил, 5 август, № 31—32.

### Илмий адабиётлар:

- Жалолов А. Шоир Камий Тошкандий. ЎТА журнали. 1969 йил 1-сон.  
Ҳамидова М. Баёзнавис шоирлар., «Адабий мерос», 3-китоб, Тошкент — 1973.  
Зокяров М. Мавлоно Камий. «Тошкент оқшоми» газети, 1990 й. 14 декабрь.  
Тўлабоев О. Қаримбек Камий. ЎТА журнали. 1993 йил 4-сон.  
Тўлабоев О. Суханворлиқ иқлимида шўҳратбардор. «Тошкент университети» газети. 1994 йил 25 феврал.  
Олтин О. «Дер Камий: Уйғонинг эмди». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газети. 1994 йил 15 август, № 31—32.

## ЖАДИДЧИЛИК ДАВРИ (1905—1917)

XX аср бошлари Туркистонда ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт. Россия мустамлака сиёсатининг кучайиши. Мамлакат пахта мустақиллигини таъминловчи хом ашё манбаи сифатида Туркистонни аграр ўлка ҳолида сақлашга уринишлар. Шаклланаётган миллий капитализм манфаатларини чеклаш. Иқтисодий тобелликни кучайтириш. 1905 йил биринчи рус инқилобининг Туркистонга таъсири. Халқ озодлик ҳаракатларининг давом этиши — Намоз ботир кўзғолони. Октябрь Манифести муносабати билан Николай ҳукуматининг мустамлака ўлкаларда айрим ижобий ўзгаришлар учун ён бериши.

1914 йил биринчи жаҳон уруши ва 1916 йил ўрталари

Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатларининг авж олиши. Қўзғолонлар, уларнинг сабаби, мақсади, миқёслари ва инкирози.

Рус маърифий-маданий янгиликларининг ўлка ҳаётига чуқурроқ сингиб бориши. Рус-тузем мактаблари ва бошқа рус ўқув муассасаларининг кўпайиши. Улар мустамлака мафкураси — «руслаштириш» мақсадларининг ифодаси сифатида. Рус-тузем мактаблари ва умуман мустамлака ўқув системасига маҳаллий зиёлилар муносабатининг икки хил кўриниши:

- 1) ҳомийлик ва ҳамкорлик қилувчилар (Саидғани Саид-азимбой ўғли, Сатторхон Абдуғаффоров, Саидрасул Саидазизов ва бошқалар);
- 2) танқид ҳамда инкор этувчилар (Гаспрали, М. Бехбудий, М. Чўқай).

Туркистонда рус маданияти ва санъатининг кенгроқ ёйила бориши. Театр гастроллари. Рус маданий-маърифий ва адабий жамиятлар. Тасвирий санъат ва бошқа турли кўرғазмалар.

Ўлкамиздаги расмий чор матбуоти — «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанские ведомости» газеталари фаолиятининг давом этиши, мавзу ва масалалар доираси.

«Янги давр» — Ғарбда маърифатчилик. Вольтер ва француз маърифатпарварлари. Россия маърифатпарварлари. Россияда маърифатпарварлик даври. Рус демократлари. Туркияда танзимот, Озарбайжонда маърифатчиликнинг шаклланиши ва тараққиёти.

**Жадидчилик.** Жадид тушунчаси. Ҳаракат тарихи, мақсад ва вазифалари. Исмоилбек Гаспрали таржимаи ҳоли, «Россия мусулмонлари» (1881) асари ва унда илгари сурилган маърифат ғояси.

«Усули савтия» методи ва илк мактаби.

«Таржумон» (1883—1914) газетаси. Татарларда жадидчилик ҳаракатининг амалий кўринишлари, миқёс ва кўлами. Кавказ турклари ўртасида жадидчиликнинг тарқалиши ва тараққиёти.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши тарихи. Татар зиёлиларининг келиши И. Гаспрали ва Туркистон. «Таржумон» газетасида Туркистон мавзуи. Туркистонда жадидчиликнинг ривожланиш бошқичлари. Даврлаштириш тамойиллари — ижтимоий-тарихий жараёнлар асосида белгиланиши. Мазкур тамойил асосида қуйидагича даврлаштириш мумкин:

1) Маърифий ислоҳотлар даври.

2) Ижтимоий-сиёсий ва мафқуравий курашлар даври.

1. Маърифий ислоҳотлар даврида маданий-адабий ҳаёт (1905—1916). «Усули жаид» мактаби ғояси ва Туркистонда унга турлича қарашлар: Мустамлака маъмурияти идеологлари — миссионер Н. Остроумов, М. А. Мурапиев, В. Наливкин қарашлари инкор этилиши. Бухорода татар муаллимлари очган биринчи «Усули савтия» мактаби ва унга уламолар қаршилиги. Қадим ва жаид масаласи, курашлари. Жаид мактабларига хайрихоҳ миллий зиёлилар етишуви ва Туркистонда илк жаид мактаблари. Самарқандда «Усули савтия» мактаби ва унинг ташкилотчилари М. Беҳбудий, А. Шакурӣ, С. Ажзий, С. Ализода, Ҳожи Муъин ва бошқалар. Тошкентда жаид мактаби тарафдорлари ва ташаббускорлари: Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдусамиқори Зиёбоев, Абдулла Авлоний, Тўлаган Хўжамёров.

Бухоро амирлиги ва Туркистоннинг ўзга шаҳарларида янги мактаблар ҳамда унинг ташкилотчилари: А. Фитрат, С. Айний, А. Зоҳирӣ, Л. Олимий, А. Ибодий, Иброҳим Даврон, Ҳамза.

«Усули савтия» алифболари, қўлланма ва дарсликлари: Саидрасул Саидазий — «Устоди аввал», Мунавварқори Абдурашидхонов «Адиби аввал», «Адиби соний», Абдиваҳоб Ибодий — «Таҳсилул-алифбо», Абдулла Авлоний — «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ», Ҳамза — «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», Беҳбудий — «Китобатул-атфол», «Мунтахоби жуғрофия умумий», Исҳоқхон Ибрat — «Санъати Ибрat қалами Миржаб Бандий» ва бошқалар.

**Миллий матбуот.** Жаидчилик ҳаракати ғояларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий минбари сифатида ҳамда татар ва озарбайжон матбуоти таъсирида Туркистон миллий матбуотининг юзага келиши. Биринчи миллий газеталар: «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Тужжор», «Осиё», «Самарқанд». Мазкур газеталарнинг асосчи ва муассислари, ғоявий йўналиши, мақсад ва вазифалари, муаллифлари. Газеталарда ёритилган масалаларга чор ҳукумати маъмурларининг муносабати.

1914 йил апрелидан чиқа бошлаган «Садойн Туркистон», «Садойн Фарғона» газеталари ва уларнинг ўлка ижтимоий-маърифий ҳаётида тугтан ўрни. аҳамияти. Ижтимоий-сиёсий публицистика. Газеталарда адабиёт ва санъат масалалари. Илк мухбирлар Журналлар. «Ойна» ва унинг мавзу-

лар доираси. Журнал муаллифлари (М. Бехбудий, Ҳожи Муин — Меҳрий, Сиддиқий-Ажзий, Қамий, Фитрат, Чўлпон, Ниёзий, Васлий, Холмуҳаммад Охундий, Гулом Зафарий ва бошқалар). Журналда илғор маърифатчилик ғояларининг ифодаланиши, жадид мактабларини очиш, миллий қадриятларга эътибор, ахлоқий ва маиший турмушни яхшилаш, миллий тарихни кенг ёритиш, дунё илм-фанидан, санъат ва адабиётдан баҳраманд бўлиш, диний ислохотлар каби. «Ойна»да адабий танқид масалалари.

«Ал-Ислоҳ» журнали ва Туркистон жадидчилигидаги ўнг ҳам сўл гуруҳ тушунчалари. «Ал-Ислоҳ» жадидчилик ҳаракатининг илғор фикрли уламоларга яқин ўнг қаноти вакиллари томонидан чоп этилгани. Ассосан диний ислохотчилик масалаларига эътиборни қаратгани. Журнал муаллифлари (Абдураҳим Сайёҳ, Васлий, Олимжон тўра, Садриддинхон аълам, Ҳамза Ҳакимзода, Фазлулваҳҳоб қори ва бошқалар), илгари сурган масалалар. «Ал-Ислоҳ»да ижтимоий ва адабий-эстетик баҳслар (Махсудхўжа эшон муфти ва Убайдулла Завқий мунозаралари. Фазлулваҳҳоб қорининг дин ва санъат муносабатлари ҳақидаги қарашлари) Хайрия жамиятлари ва бошқа турли маърифий ташкилотлар. Тошкентда хайрия жамияти, «Умид», «Нашриёт» ширкатлари. «Турон» жамиятининг вужудга келиши. Самарқандда «Бехбудий» кутубхонаси, «Зарафшон» ширкати, Қўқонда «Ғайрат», «Мадара» нашриёти ширкатлари, кутубхона ва қироатхоналар, Бухорода «Тарбия атфол» жамияти, Наманганда «Исҳоқия» матбааси ва кутубхонаси кабилар.

Янги миллий театр. Туркистонда европача театрларнинг вужудга келишида татар ва озарбайжон театрларининг таъсари. Илк миллий театрлар: Тошкент. «Турон» труппаси, Самарқандда ва бошқа шаҳарларда театр труппаларининг тузилиши. Бехбудийнинг «Падаркуш» асари театрчилик ҳаракатининг шаклланишида муҳим омил экани. Татар ва озарбайжон театр арбоблари билан ҳамкорлик (Алиасқар Асқаров, Заки Боязидский, Н. Наримонов, Миракбархон Хонталшинский, Сидқий Рухилло). Илк ўзбек режиссёрлари ва актёрлари. (А. Авлоний, Низомиддин Хўжаев, Бадриддин Аъламов, А. Шомансуров, Ҳожи Муин, А. Бадрий ва бошқалар). Театрга жисмоний ва маънавий тазйиқлар. Эстетик мунозаралар. (Васлий ва Бехбудий). Жадид театр арбобларининг саҳна санъати эстетикаси.

**Бадий адабиёт.** Жадидчилик даври адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, изланишлари, анъана ва янгиликлар, йў-

налишлар, оқимлар ва халқ оғзаки ижодида замонга ҳамоҳанг асарларнинг яратилиши. Маиший, маърифий ва ижтимоий термалар. Халқ бахшиларининг оригинал ижоди ва уларда давр воқеаларининг акс этиши (Фозил Йўлдош ўғлининг «Қаҳатчилик», «Жиззах» қўзғолони», «Маматкарим полвон», Нурмон Абдувой ўғлининг «Намоз», Пўлкан шоирнинг «Мардикор» дostonлари ва термалари).

Анъанавий шеъриятнинг давом этиши, намояндалари. Қўқон (Муқимий, Завқий, Сулаймонхўжа Рожий, Нодим, Ҳазиний, Анбар отин, Ҳамза), Тошкент (Қамий, Хислат Мискин, Шавкат), Самарқанд (Васлий, Ноқис, Писандий, Фикрий, Юсуф Сарёмий, Фикрий, Мирзо Ақром), Хоразм (Феруз, Табибий, Аваз, Баёний, Фақирий, Чокар, Мутриб ва бошқалар) адабий муҳитлари.

Маърифий-ижтимоий шеърият. Мактаб, маориф ташвиқоти. Шеъриятда маърифий публицистик руҳнинг кучайиши. Гражданлик туйғулари. Муайян тарихий ҳодисалар (1905 йил буржуа инқилоби, 1914 йил биринчи жаҳон уруши, 1916 йил мардикор воқеалари) тасвирида ижтимоий оҳангларнинг авж олиши. (Нозимахоним, Тавалло, А. Авлоний, Ҳамза, Сўфизода, Сиддиқий-Ажзий, А. Қодирий, Сиддиқий Хондайлиқий).

Янги эстетиканинг туғилиши. Ўзбек реалистик прозасининг шаклланиши. Миллий роман (Мирмуҳсин Шермухамедов, Ҳамза), ҳикоя (А. Қодирий, Чўлпон) жанрларининг адабиётимиздаги илк намуналари.

Ижтимоий-сиёсий ва маърифий-бадиий публицистика.

Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқори, А. Авлоний, Мирмуҳсин Шермухамедов, Сайидаҳмад Васлий, Ҳожи Муин).

Ёзма миллий драматургиянинг вужудга келиши. Илк намояндалари (Беҳбудий, Шаҳидий, Ҳожи Муин, А. Авлоний, А. Бадрий, А. Қодирий, А. Қудратулла, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, Хуршид, Ғ. Зафарий). Ўзбек миллий драматургиясининг шаклланишида татар, турк ва озарбайжон драматургиясининг таъсирлари. «Падаркуш» пьесаси биринчи миллий сахна асари сифатида. Пьесанинг Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти. Илк ўзбек драматургиясида маиший-маърифий мавзулар («Тўй», «Бахтсиз куёв», «Мазлума хотин»).

Ижтимоий драма («Падаркуш», «Жувонмарг», «Биз ва сиз», «Заҳарли ҳаёт»). Бир пардали кулгулар («Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Кўкнори», «Ахмоқ»). Драматургия

жанрларининг тараққиёти. Трагедия илк ўзбек драматургиясининг етакчи жанри сифатида. Жадид драма ва театр эстетикаси. Театр танқидчилиги (Беҳбудий, Ҳожи Муин, Чўлпон).

**Адабий танқид.** Миллий матбуот ва адабий танқидчиликнинг ривожланиши. Маърифатчилик эстетикаси учун кураш (Беҳбудий, Чўлпон, Ҳожи Муин, Аҳлулло Хайбулло). Янги эстетикаини шакллантириш йўлидаги ғоявий мунозаралар. (Васлий — Беҳбудий, Васлий — Мирмуҳсин).

**Бадиий таржимачилик.** Фарб ва рус адабиётидан ўгирилган асарлар (Крилов масаллари, Гогол — «Шинель», Даниел Дефо — «Робинзон ҳикояси», Л. Толстой ҳикоялари, «Қотили Қарима», француз мелодрамаси). Турк, татар, озарбайжон адабиётидан таржималар («Уй тарбиясининг бир шакли», «Хамшаҳар манзили», «Ўликлар», «Эски Туркия», «Мусибати Фахриддин»).

Араб, форс ва ҳинд адабиётидан таржималар (Муҳаммад Ҳусайн ал Ҳанафий — «Боқмоқ керак», Рой Чанд — «Қабул этмак», Саъдий — «Гулистон», «Алиф Лайло ва Лайло» ва бошқалар).

#### Илмий адабиёт:

Б. Қосимов. Жадидчилик. Миллий уйғониш. Тўплам. «Университет». 1993 й.

### МАҲМУДХУЖА БЕҲБУДИЙ (1875—1919)

Беҳбудий Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси сифатида.

Ҳаёти ва фаолиятининг ўрганилиш тарихи. Беҳбудийга замондошлари берган таърифлар (Файзулла Хўжаев, Ҳожи Муин, Лазиз-Азиззода, С. Айний). 20-йиллардаги ижобий муносабат. Туркистонда Миллий уйғониш ҳаракатчилигининг ғоявий раҳбари сифатида баҳоланиши. Совет даври (асосан 30-йилларнинг ўрталаридан то 80-йилларнинг иккинчи ярмигача)да Беҳбудий шахси ва фаолиятини четлаб ўтиш ёки реакцион буржуа ғояларини ташувчи мутафаккир сифатида қораланиб келингани. Қайта қуриш йилларида Беҳбудий таржимаи ҳоли ва ижодий меросини холис ўрганиш ҳамда ёритишга интилиш (С. Қосимов, Б. Қосимов, Ш. Турдиев, С. Аҳмедов мақолалари).

Таржимаи ҳоли. Маҳмудхўжа таваллуд топган хонадон. Тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ҳузурда таълим олиши. Мирзаллик хизматидан муфтийликка. Ҳаж сафари (1899). «Таржумон» газетаси билан илк танишув. Иккинчи сафар (1903—



1904). «Исмоилбей ҳазратлари» билан учрашувлар. Беҳбудий Туркистонда жаҳид мактабларининг толмас тарғиботчиси ва ташаббускорларидан бири. А. Шакурӣ мактаби Беҳбудий ҳовлисида. Педагогик фаолият. Туркий ва форс-тожик тилидаги мактаб китоблари муаллифи. («Рисолаи жуғрофияи умроний» (1905); «Рисолаи асбоби савод» (1904), «Китобатул-атфол» (1908); «Тарихи ислом» (1909) каби қўлланмалар ҳақида).

Беҳбудий ва Туркистон миллий матбуоти. «Самарқанд» (1913) газетасининг таъсис этилиши ва унда ёритилган масалалар. «Ойна» журнали — Миллий Уйғониш жарчиси. Мавзулар кўлами. Беҳбудийнинг журналдаги фаолияти.

Беҳудий — биринчи ўзбек драматурги ва театр арбоби. «Падаркуш» пьесасининг нашр ва сахна тақдири. Самарқандда театрчилик ҳаракатининг майдонга чиқишида ва ўлка бўйлаб сахна санъатининг кенг ёйилишида Беҳбудийнинг хизматлари. Самарқандда Беҳбудий кутубхонаси.

Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат. (1914) Инқилоблар даврида (1917) Беҳбудий фаолияти. Туркистон Мухторияти учун кураш. «Қўқон мухторияти»нинг ғайри тасниф» эъзои. Шўро идораларида (Тошкентдаги қонун ва ҳужжатлар бўйича халқ комиссариати, ҳамда Самарқанд Шўроси маориф номида) хизмат.

Сўнги сафар (1919 йил, март). Қатл. Беҳбудий «Васиятнома»си. Ижодий мероси. «Падаркуш» (1911) — ўзбек ёзма драматургиясининг илк намунаси эканлиги. Асарнинг яратилиши билан боғлиқ айрим мулоҳазалар. Пьесанинг мазмуни. Мактаб — маърифат масаласи бош ғоя эканлиги. Асардаги Бой, ўз ўғли Тошмурод ва безори ўртоқлари мисолида Туркистоннинг аянч бир аҳволга тушиб бораётгани, манший бузуқлик, лоқайдлик туфайли юз бериши мумкин бўлган фожиялар ҳақидаги муаллифнинг изтироблари. Бу туйғуларнинг пьесадаги янги фикрли домла ва зиёли образлари орқали ифодаланиши. Асарнинг бағишлов сабаблари ва матн тағзаминларида жаҳолатнинг истибод боис ҳам кучайиб бораётганига айрим ишоралар мавжудлиги. Асарнинг жанр хусусиятлари.

Беҳбудий публицистикаси. 1901 йилдан бошлаб Туркистон ва ҳатто ундан ташқаридаги кўплаб матбуот намуналарида 300 дан ортиқ мақолалар эълон қилингани («Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Садойи Туркистон», «Самарқанд», «Ойна», «Улуғ Туркистон», «Таржумон», «Вақт», «Шўро» газета ва журналларида).

Мутафаккир публицистикасининг мавзулар дунёси. Уларни ижтимоий-маърифий, илмий-маърифий, сиёсий публицистика тарзида системалаштириш мумкин эканлиги.

Ижтимоий-маърифий мақолаларида («Ёшларга мурожаат», «Икки эмас, тўрт тил лозим», «Эҳтиёжи миллат», «Таҳсил ойн» ва бошқалар) янгича таҳсил олишга, тараққий топган Оврупо давлатлари илм-фани, маданиятидан баҳраманд бўлишга даъват.

Илмий-маърифий мақолалар («Мирзо Улуғбек», «Улуғбек расадхонасинда», «Тил важҳидан», «Бухоро», «Ийди Саид» кабилар)да буюк аждодларимиз ва уларнинг дунё маданияти, илм-фанига қўшган ҳиссалари, тилимиз тозалиги, барқарорлиги, диний ақидалар, уларнинг асослари, шарҳлари ва хурофот каби мавзуларнинг ёритилиши.

Сиёсий мақолаларда («Хайрул-умури авсатиҳо», «Дума ва Туркистон», «Балқонга бир назар», «Балқон муҳорабаси», «Баёни ҳақиқат») партия масалалари, сиёсий ҳуқуқ ва кураш йўллари, дунёдаги сиёсий аҳвол таҳлили, давлатчилик каби қатор масалалар кўтарилиши.

Беҳбудийнинг адабий-эстетик қарашлари. Адабий танқид («Танқид сараламоқдур») ва театр («Театр надур?») назариясига оид мақолалари. Уларда адабиёт, санъат, танқид масалаларининг маърифатчилик билан боғланиши.

«Саёҳат хотиралари» (1914) бадий публицистиканинг яхши намунаси сифатида. Унда кўрилган, кузатилган ҳодисалар, таассуротлар билан бирга муаллифнинг лирик чекинликлари, мулоҳазалари ҳам акс этгани. «Хотиралар»да ватан ва ватандошлар, дин ва ахлоқ масаласининг қўйлиши.

Беҳбудий ҳаёти ва ижодининг Миллий уйғониш даври адабиётида тутган ўрни, аҳамияти. Мустақиллик ва Беҳбудий мероси.

#### Манбалар:

- Беҳбудий. «Падарқуш». «Шарқ юлдузи» журнали, 1989, № 7.  
Беҳбудий «Эҳтиёжи миллат», «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1989.  
Беҳбудий «Баёни ҳақиқат», «Фан ва турмуш», Т. 1992. 5-сон.  
Беҳбудий «Ёшларга мурожаат», «Икки эмас, тўрт тил лозим», «Тафаккур» журнали. Т., 1994, 1-сон.

## Илмий адабиётлар:

- Ўзбек совет энциклопедияси. 2-жилд. Т. 1979 й.  
С. Қосимов. Бехбудий ва жадидчилик, «Ўзбек адабиёти ва санъати». 1990 йил. 19, 26 январь.  
Б. Қосимов «Карвонбоши», «Ешлик» журнали, 1990 й. 1-сон.  
А. Алиев. «Маҳмудхўжа Бехбудий» Т. «Хазина» 1994 й.  
И. Тўлак Андиконий. XX аср ўзбек адабиёти, Андикон, 1993 й.  
С. Аҳмедов. Улимдан қўрқмаган мутафаккир, «Совет Ўзбекистони санъати» журнали, 1989 й. 2-сон.  
Ш. Ризаев. «Падарқун» ёхуд Самарқанд тарихидан лавҳалар». «Ватан» газети. 1994, 39-сон.

## САИДАҲМАД СИДДИҚИЙ АЖЗИЙ

(1864—1927)

Ҳаёти ва ижодий фаолиятининг ўрганилиши. 20-йиллар адабий танқид ва шоир ижоди А. В. Маҳмуд, Турсунқул мақолалари ҳақида. Қатагон (30-йиллар) даврида Ажзий асарларининг реакцион буржуа адабиёти намунаси сифатида талқин қилиниши. (Ҳ. Мирзозода, И. С. Брагинский) 60-йиллар ва шоир ижодига муносабатнинг ўзгариши. (Р. Аслонов, А. Багаутдинов, М. Фаттоев, С. Ҳалимов, Б. Қосимов).

Шоирнинг ҳаёт йўли. Оила ва муҳит. Ешлик йиллари.

Адабий-педагогик фаолиятининг бошланиши. 1903 йилда Ҳалвойида мактаб очиши. 1914 йилда «кофир» деб эълон қилиниши, матбуотда ушбу воқеанинг қораланиши. (Бехбудий, Мирмуҳсин).

Шоирнинг «Мулла Насриддин», «Ойина» журналларида шеърий жавоб билан чиқиши.

Инқилобий йиллардаги фаолияти. Сиддиқий Ажзий 20-йиллари. Ҳаётининг сўнгги йиллари.

Ижодий мероси. Шеърий тўпламлари, дostonлари, мақолалари, таржималари ҳақида.

Ўзбекча шеърий тўплами «Айнул адаб» XX аср боши ўзбек шеърятининг гўзал намунаси сифатида, шоир шеърларида Ватан ва унинг мустақиллиги мавзун. («Бано қарорсиз ўлмасда қарордир боис...» «Кўранда лола яфроғин гумон этмак чамандур бу!...»).

Шоир шеърларида анъана ва ижодийлик («Парирўлар паришон зулфидек хотир паришонам...» «Инсон ўла истарсанг агар толиби ранг ўл...»).

«Миръоти ибрат» — ўзбек адабиётида янги хил дostonнинг илк намунаси. Асарнинг қурилиши ва йўналиши. Маърифат ва озодлик асарнинг бош мавзуи эканлиги. Дostonда Самарқанд тасвири.

Асардаги шoвр, пир, тўти тимсоллари, уларнинг маъномазмуни ҳақида. Дostonнинг тили, бадияти масалалари.

Фoрс тилидаги «Ганжинаи ҳикмат» ва «Анжумани арвоҳ» дostonи ҳақида умумий маълумот. Дарслик («Ал-мажиду тажвид-ал қуръон»), ҳикоя («Шоҳи зинда шайхнинг каромати») ва публицистик мақолалари («Йўл бўлсин, қаерга борамиз?», «Таажжуб сўз»).

Сиддиқий — таржимон, Гоголнинг «Шинел» повестини ўзбек ва тожик тилларига таржима қилганлиги. Ўзбекча таржимаси, («Маориф ва ўқитғувчи», ж. 1926 й. 1, 2, 3-сонлар) ҳақида.

Сиддиқий-Ажзийнинг 20-йиллардаги ижоди. Шоир ва матбуот. («Машраб», «Мулла мужрим»).

Шоирнинг «Машраб» журналидаги «Тил», «Шарора», «Найза», «Майда», «Гумном», «Шошпар» таҳаллуси билан ёзган ҳажвий шеърлари ҳақида.

Риторика ва баландпарвозлик («Инчунин бояд»), сохта уламолар («Уламолар», «Чин ва ёлгон зиёлилар»), бузуқ одатлар («Нима лозим?», «Муножот», «Яшилча», «Келдим») танқиди.

Янги чистонлар. Шоирнинг ҳажвий маҳорати.

Сиддиқий-Ажзийнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни.

### Манба:

Сиддиқий-Ажзий. Танланган асарлар. Т. 1973 й. нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б. Қосимов.

Ажзий. Миръоти ибрат (дoston). Тўпламда: Миллий уйғониш. Т. «Университет», 1993 й. 96—107-бетлар.

### Илмий адабиётлар:

Вадуд Маҳмуд. Турк шоири Ажзий. Миллий уйғониш. Тўплам. «Университет», 1993 йил.

Турсунқул (Раҳим Ҳошим) Сиддиқий тўғрисида мулоҳазалар. Юқоридаги тўплам, 86—95-бетлар.

Аслонов Р. Мирозрение С. Сиддиқий. АКД. Душанбе, 1962.

Ҳ. Мирзаода. «Миръоти ибрат» ва ижодиёти Ажзий. Т. «Барои адабиёти сотсналисти», 1936 й. 2—3—4-сонлар.

И. С. Брагинский. «Очерки по истории таджикской литературы». Душанбе, 1956 г.

Б. Қосимов. Маслакдошлар (Бехбудий, Сиддиқий-Ажзий, Фитрат). Т. 1994 й.

## ВАСЛИЙ САМАРҚАНДИЙ

(1869—1925)

Саидаҳмад Васлий Самарқандий XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошлари Самарқанд адабий муҳитига мансуб ижодкорлардан бири сифатида.

Шоир ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши тарихи. Совет даврида шоир ижодига муносабат: 20-йилларда (Ҳ. Муин. «Васлий», «Маориф ва ўқитғувчи», 1925 й. 9-сон. С. Айний. «Намунаҳон адабиёти тожик». 1925 й.). 60—70 йилларда (Ғ. Ғулом, В. Абдуллаев, С. Ҳалимов, М. Хўжаева).

Васлийнинг таржимаи ҳоли. Саидаҳмад Васлий таваллуд топган хонадон ҳамда, унинг дастлабки таҳсил йиллари. Васлийнинг Тошкентдаги «Кўкалдош» мадрасасида ва Бухорода ўқишни давом эттириши. Устозлари.

Бухородаги мударрислик фаолияти.

Ижтимоий-эстетик қарашларининг шаклланиши.

Дастлабки асарлари. Шоирнинг Самарқандга қайтиши. Самарқанддаги мударрислик фаолияти. Васлий ва усули жадид мактаблари.

Васлийнинг уч тил (ўзбек, форс, араб)да дарсликлар тузиши ва улар хусусида айрим маълумотлар, инқилобдан кейинги муаллимлик фаолияти. Ҳаётининг сўнгги йиллари.

Ижодий мероси. Васлийнинг форс, ўзбек ва араб тилларида бирдай ижод қилганлиги. Асарлари мавзуларининг хилма-хиллиги (диний, тарихий, адабий, маърифий-ахлоқий).

Васлий шеърляти. Девонлари. Форсий «Армуғони дўстон» девони ҳақида маълумот. «Девони туркий» («Армуғони дўстон ва тухфатул-аҳбоби Васлий») ҳақида. Девоннинг ғоявий-тематик доираси. Жанрлари.

Бошқа шеърий асарлари ҳақида. «Назмус-силсила» (форсча), «Адаб уд-дин» (ўзбекча).

Таржималари ҳақида (Жомийнинг «Баҳористон»и ва бошқалар).

Васлий — тилшунос. «Муқаддимаи сарфу наҳву араби ҳам намунаи сарфу наҳву форсий» китоби.

Васлий — публицист. Васлий ва маҳаллий матбуот. Унинг

ижтимоий маърифий мақолалари. Васлий-Бехбудий ва Васлий-Мирмуҳсин Шермухамедов (Фикрий) баҳс-мунозаралари ҳақида («ТВГ»—1914 й. 72—85-сонлар; «Садойи Фаргона»—1914 й. 68—83-сонлар; «Ойина»—1915 й. 7-с.). Васлий мақолаларининг ўзбек жадид публицистикаси тараққиётидаги аҳамияти.

Васлий Самарқандийнинг Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида тутган ўрни.

### Илмий адабиётлар:

«Имоми Аъзам». «Фан» нашриёти. Тошкент — 1991 й.

### М а н б а :

- Ғ. Ғулом «Васлий», «Мукамал асарлар тўплами» — II том.  
С. Халилов «XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида ўзбек ва тожик адабий алоқалари» СамДУ — 1978 й.  
М. Хўжаева. «Ҳамза ва Васлий», «Шарқ юлдузи», 1970 й. 2-сон.  
М. Хўжаева. «Шоир ва мударрис Васлий». ЎзАС. 1990 й. 5-июль.  
В. Абдуллаев. Сайланма. Адабий-танқидий мақолалар тўплами. Тошкент. 1982 йил.

## МУНАВВАРҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ (1878—1931)

Мунавварқори Абдурашидхонов — Туркистонда Жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири. Мунавварқорининг таржиман ҳоли. Мунавварқорининг «усули жадид» мактабларини очишдаги ва кенг тармоқ ёзишдаги фаолияти. Унинг Ватан озодлиги, иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлида мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилишдаги фаолияти. Унинг жадидчилик ҳаракатининг раҳбари даражасига кўтарилишида Исмоил Гаспралининг фаолияти, «Таржумон» газетасининг, Татаристонда чоп этилган «Вақт», «Юлдуз» газеталарининг, Истамбулда чоп этилган «Сироти мустақим» («Тўғри йўл») мажмуасининг аҳамияти.

Мунавварқори — «усули жадид» мактаблари учун яратилган дастлабки дарсликлар муаллифи: «Адиби аввал», «Адиби соний» дарсликлари. Бу дарсликларда муаллиф қўллаган ўқитишнинг янги методлари.

Мунавварқори Туркистонда очила бошлаган. «Хайрия

жамиятлари»нинг ташкилотчиси. «Жамият қандай очилур?» мақоласи ҳақида.

Мунавварқори — ўзбек тилида нашр қилинган биринчи газеталарнинг ношири, муҳаррири. «Хуршид», «Нажот», «Кенгаш», «Хуррият», «Осиё» газеталари ва Мунавварқорининг публицистик фаолияти. Мунавварқори — «Турон» хайрия жамиятининг, «Турон» драма труппасининг ташкилотчиларидан бири. Европача театр учун кураши. Мунавварқори Абдулла Авлоний, Убайдулла, Хўжаев, Тўлаган Хўжамёров — Таваллолар билан ҳамкорликда «Садойи Туркистон» газетасини нашр қилиши. Мунавварқори ва Ҳамза муносабатлари. Мунавварқорининг адабий фаолияти. Мунавварқори шеърлари, ҳикоялари ҳақида маълумот.

Мунавварқорининг сиёсий фаолияти: «Шўройи исломия» жамиятининг раис муовини. «Турк ўчоғи» жамиятининг ташкилотчиси ва раҳбари, унинг Туркистон туркларини миллий туғ остида бирлаштириш учун кураши.

Мунавварқорининг миллий дорилфунун очиш йўлидаги фаолияти; у халқ дорилфунуни ўзбек бўлимининг биринчи ректори.

Шўролар ҳукуматининг дастлабки йилларидан бошлаб Мунавварқори ва унга ўхшаш истиқлол фидойиларига қарши тазйиқнинг кучайиши. Мунавварқорининг биринчи марта 1923 йилда миллатчи сифатида қамалиши ва тезда озод қилиниши.

Мунавварқорининг фожиали тақдири: унинг 1929 йилда ГПУ томонидан қамоққа олиниши. Мунавварқорининг «Хотираларим» асари ҳақида. «Хотиралар»нинг яратилиш тарихи. Унинг ўзбек жадиличлик ҳаракатининг тарихи ва тақдирини ўрганишдаги ўрни.

#### М а н б а :

Мунавварқори, «Хотираларим», «Турон тарихи» оммабоп мажмуа. 1991, 1994 й.

#### И л м и й   а д а б и ё т л а р :

Сирожиддин Аҳмад. «Мунавварқори», ЭССЕ, «Шарқ» юлдузи» журнали, 1992 й., 5-сон.

Сотимжон Холбоев. «Мунавварқори», «Фан ва турмуш» журна-ли, 1991 й., 4-сон.

## АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

(1878—1934)

Абдулла Авлоний Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг етакчи намоёндаларидан бири сифатида.

Авлоний ҳаёти ва ижодини ўрганиш. Асосан 60-йиллардан бошлангани, кўпроқ педагог сифатида ўрганилгани (А. Бобохонов, М. Махсумов). 70—90-йиллар ораллигида «Авлонийшунос»лик. Б. Қосимов тадқиқотлари Авлоний ижодини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этгани. Адибнинг 100 ва 110 йиллик таваллуд саналарининг нишонланиши.

А. Авлоний ҳаёти саҳифалари. У таваллуд топган хонадон. Мактаб ва мадраса таҳсили. Тирикчилик ташвишлари. Шеърят сабоқлари ва илк машқлар (1894). Авлоний «жадидлар тўдаси»да. Мирободда янги усул мактаби очиши (1904). «Қора халқни оқартирмоқ ва кўзни очмоқ чораси» — янги миллий матбуот намуналари ва Авлонийнинг «Шуҳрат» (1907) газетасини чиқариши. Ундаги материалларда ижтимоий йўналишининг кучлилиги. «Осиё» газетасидаги фаолияти. Миробод ва Дегрез маҳаллаларида яна янги мактаблар ташкил этиши. Дарслик ва қўлланмалар яратиши («Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистони», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар»). «Жамияти ҳайрия» (1909), «Турон» жамияти (1911), «Нашриёт» ширкати (1914), «Мактаб кутубхонаси» (1916), «Садойи Туркистон» газетаси кабилар А. Авлоний ижтимоий фаолиятининг янги қирралари сифатида.

Авлоний ва «Турон» труппаси. 1913 йилда Тошкентда европача тиндаги биринчи ўзбек театрининг пайдо бўлиши. Авлоний бошчилигида қўйилган спектакллар. «Падаркуш» «Қолизей» саҳнасида (1914). Авлоний бой образида. Авлоний актёр, режиссёр, хормейстр, театр бадий раҳбари, драматург, таржимон. Озарбайжон актёри Сидқий Рухилло билан ҳамкорлик. Авлоний — «Турон» газетаси муҳаррири. (1917) «Мирмуҳсин воқеаси», Октябрь ўзгаришидан кейинги йиллардаги фаолияти. Партия ва Шўро идораларида хизмат. Авлоний — давлат арбоби. «Иштирокиюн» (1918) газетаси ва «Қасабачилик ҳаракати» журналининг муҳаррири. Афғонистонда дипломатик вазифаларда ишлаши (1919—1920).

Педагогликка қайтиш. (1922). Тошкент Улка ўзбек билим юрти, хотин-қизлар билим юрти, ҳарбий мактаб, САГУ каби таълим даргоҳларида муаллимлик қилиши. Қўлланма ва хрестоматиялар тузиши. Имло ва тил масалаларига ба-



ғишланган тадбирларда иштирок. Авлоний — профессор (1930), Меҳнат қаҳрамони (1925), Вафоти (1934 йил 25 август). Хотирасини абадийлаштириш ҳаракатлари. Уй музейи, ёдгорлик музейларининг ташкил этилиши.

Абдулла Авлонийнинг ижодий мероси. «Ҳижрон» таҳаллуси билан ёзган илк шеърлари ҳақида. Педагогик асарлари — «Биринчи муаллим» (1909), миллий алифбо яратиш йўлидаги илк тажрибалардан бири сифатида. Ундаги тарбиявий ҳикоятлар («Ямонлиқ жазоси», «Қаноат», «Тўғрилик», «Иттифоқ» каби).

«Иккинчи муаллим» (1912) «ахлоқий ҳикоялар, адабий шеърлар ила зийнатланган» мажмуа (хрестоматия) йўси-нидаги алифбодан сўнг ўқитиладиган қўлланма эканлиги. Ундаги Шарқ, рус адабиёти намуналаридан ижодий таржималар ва оригинал асарлар.

«Мактаб гулистони» (1913) аввалги икки дарслик — мажмуаларнинг мантиқий давоми эканлиги. Айниқса И. Кридов масалларидан таржималар кенг ўрин олгани («Ғайрижинсий иттифоқ», «Тулки ила қарға», «Маймун билан кўройнак», «Ит ила йўловчи» кабилар). Авлонийнинг таржимонлик маҳорати.

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (1913) ўзбек миллий педагогикаси ва адабиётининг классик намуналаридан бири сифатида. Асарнинг Саъдий «Гулистон»ига ижодий эргashiш ва туркий жавоб шаклида яратилгани. Композицияси, боблари ҳамда уларнинг тузилиши, жойлаштирилиши. Асар мазмуни инсоний фазилат ва нуқсонлар ҳақидаги ахлоқий, адабий, фалсафий бир қўлланма экани. Унда фойдаланилган олиму фузалолар ҳаёти, асарларидан муаллифнинг кенг тушунча ва билимларга эгаллиги. «Туркий гулистон»да Ватан, миллат ва унинг тақдири, истиқболи масалалари.

Авлоний шеърияти. «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўплами ва унинг тўрт жузь (қисм)да жамлангани. Ахлоқий-маърифий, ижтимоий шеърлардан иборат экани. Илмсизлик, жаҳолат қораланган, унинг тубан оқибатлари очиб берилган шеърлар («Жоҳил тилиндан», «Жаҳлдан нафрат».

Маърифат улуғланган, илмга даъват янграган намуналар («Мактаб», «Илима тарғиб», «Миллатга хитоб»). Воқеабанд шеърлар ва масаллар («Ёлгончи чўпон», «Бечора чол», «Зулук ила Илон», «Қуш ва илон»).

Ижтимоий фаол шеърият («Олам ичра кўрмадим», «Ватан», «Аҳволи оламдин бир намуна», «Фалакдин бир шикоят»).

Абдулла Авлоний драматургияси — ўзбек жадид драматургиясининг илк намуналари сифатида. Шеърдаги илк драматургик изланишлар — оила мунозараси; жаҳолат. «Адвокатлик осонми?» (1914) — бир пардали комедия эканлиги. Янгича қарашли Давронбек изтироблари, халқ, Ватан тақдири ҳақидаги ўйлари. Асарда Туркистоннинг маиший манзарасини аке эттирувчи типик характерлар яратилгани. Комик вазият ва кулгули ечим.

«Пинак» (1915) бир пардали кулгу асаридида банги ва қиморбозлик иллатларининг бадбин хусусиятлари аччиқ кулгу остига олиннши. Жамиятда жаҳолат туфайли илдиз отган иллатларнинг қораланиши. Авлонийнинг комик маҳорати. «Сиз ва биз» (1916) фожиасида эскилик ва янгилик ўртасидаги кураш ғояси. Камол ва Марям муҳаббати мисолида бу курашнинг фоже моҳиятини очишга интилиш. Пьесада маърифат, инсон эрки, аёллар озодлиги ғояси. Марям образи драматург идеалининг тажассуми сифатида. Асардаги шартли ўринлар. Мураккаб руҳий ҳолатларни кўрсатишда фантастик тасвир унсурларидан фойдаланиш.

А. Авлонийнинг сиёсий драмалари. Тугалланмаган «Икки муҳаббат», «Португалия иккилоби» асарларида озодлик, миллий истиқлол ғоялари. Туркия ва Португалиядаги миллий озодлик курашлари билан боғлиқ воқеаларининг рамзий маъно касб этгани.

А. Авлоний публицистикаси. 1917 йилгача бўлган мақолаларида маърифатпарварлик ғояларининг илгари сурилиши. («Маданият тўлқинлари», «Ҳифзи лисон», «Жаҳолат» кабилар).

Кейинги йиллардаги мақолаларида давр воқеалар, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ турли ҳодисаларнинг қаламга олиннши. Тил, адабиёт, санъат, матбуот, маориф мавзуларида ва уларнинг муаммоларига бағишлаб қатор мақолалар яратгани. («Санойи нафисамиз ҳақинда», «Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи», «Имломиз хусусида» кабилар).

«Афғон кундаликлари» ўзбек публицистикаси ва мемуар адабиётининг яхши намуналаридан бири экани. Асарда вайрон қилинган Туркистоннинг фожеъ манзаралари. Тарихий воқеаларнинг ҳаққоний тасвири. Афғонистон ҳаёти. Совет колониал сиёсати ҳақида. Авлонийнинг Омонуллахон билан учрашувлари. Асарнинг бугунги кунда ҳам замонавий аҳамиятга эгалиги.

Кундаликда давр воқеалигининг реал манзаралари. Аб-

дулла Авлоний ижодининг Миллий уйғониш даври адабиётида туган ўрни ва аҳамияти.

### Манбалар:

- А. Авлоний. «Тошкент тонги», Т., 1978.  
А. Авлоний. «Ўсон, миллат!», Т., 1993.  
А. Авлоний. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Т., 1992.  
А. Авлоний. «Афгон саёҳати» кундаликлар. «Шарқ юлдузи», Т., 1990, 7-сон.  
Миллий уйғониш. Т. «Университет» нашриёти, 1993 й.

### Илмий адабиётлар:

- Б. Қосимов. Абдулла Авлоний. (Адабий-педагогик портрет). Т., 1979 й.  
Б. Қосимов. Инқилобий шеърят саҳифалари, Т., 1977.  
А. Бобохонов, М. Махсумов. Абдулла Авлоний. Педагоглик фаолияти. Т., 1966 й.  
Қ. Орипов. Алангали йиллар. Т., 1982.

## ТУЛАГАН ХУЖАМЕРОВ — ТАВАЛЛО

(1882—1939)

Ҳаёти ва ижодий фаолияти.

Тавалло ва Тошкент адабий ҳаёти.

Шоирнинг вақтли матбуотда («Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Туркистон», «Ойна») фаол иштирок этиши.

«Равнақул ислом» тўпламининг яратилиши. Тўпламнинг номланиши ҳақида. Қолоқлик ва мутаассибликнинг фош этилиши. («Турмушимиз хусусинда бир ғазал», «Тескари ишларимиз ҳақида», «Европоликлар ҳунари бирлан бизларнинг ҳунарларимиз фарқи», «Ибрат боғинда»). Таваллонинг миллий уйғонишга даъват этувчи шеърлари («Ўз виждон вужудима хитоб», «Таржумон» газетасининг ношири ва муҳаррири мутавафий Исмоилбек Гаспринский жанобларининг таърих-вафоти», «Миллат садоси», «Муножот»). Тавалло ва Мунавварқори, Бехбудий муносабатлари. («Театр ҳақида», «Театрга махсус», «Самарқандда чиққан «Ойна» мажалласи ҳақида») «Равнақул ислом» мажмуасида миллий уйғонишга даъват руҳининг акс этиши.

Шоир ижодидида мустахлакчилар томонидан олиб келин-

ган ахлоқсизлик, маданиятсизликнинг фош этилиши («Ўла»).

Таваллонинг 20-йиллар ижоди. Тавалло ва биринчи ўзбек ҳажвий журнали — «Муштум».

Тавалло шеърятининг ўзига хос бадиияти ҳақида. Тавалло шеъряти ҳақида Ойбек.

#### Манба:

Тавалло. Равнақул ислом. Т., 1993 й.

#### Илмий адабиёт:

Б. Қосимов. Тавалло. «Гулистон». Т., 1989 й. 6-сон.

### СИДҚИЙ ХОНДАЙЛИҚИЙ

(1884—1934)

Шоир ижодининг ўрганилиши. 60—90 йиллар ўзбек адабиётшунослиги ва Сидқий ижоди. «Навбахор» (Т. 1984) шоирнинг 1917 йил Октябрь ўзгаришидан кейинги биринчи нашр этилган китоби эканлиги. У ҳақда тадқиқий асарларнинг майдонга келиши. Абдулла Носиров (Носихий) хизматлари.

Ҳаёти ва ижодий фаолияти. Ёшлик йиллари. Тошкентга келиши. Мадраса таҳсили, хаттотлик, муҳрканлик, рассомлик ҳунарларини эгаллаши.

Шеърга ҳавас. «Шавкат», «Сидқий» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлаши. Илк босма китоблар: «Тухфаи Шавкат» (1913), «Совғоти Шавкат» (1914), «Девон» тартиб этиши. Маҳаллий амалдорлар билан ихтилоф ва 1910 йилда Андижонга кетиб жон сақлаш. Биринчи жаҳон уруши ва шоирнинг унга муносабати. Мардикорлик воқеаларига шоирнинг муносабати. 1917 йил ва Сидқий.

«Рабо(т)чилар намоиши», «Рабо(т)чилар келиши», «Тоза ҳуррият» «Русия инқилоби» асарларининг ёзилиши.

Шоирнинг 1917 йилдан кейинги ҳаёти ва ижоди.

Ижодий мероси. Сидқий анъанавий, ишқий лириканинг хассос вакили эканлиги. «Девони Сидқий»нинг гоявий-тематик доираси. Ифода ва тимсоллар силсиласи. Шоирлар масаласи. Анъана ва ижодийлик. Шоир ғазалларида замона садолари.

Шоирнинг ижтимоий лирикаси. Сидқий ва ўзбек мардикорлик шеърятини. «Рабо(т)чилар намоиши» тўпламида уруш ва мардикорликнинг қораланиши.

«Ситамдийда рабо(т)чилар келиши»да мардикорларнинг оғир, фожиявий ҳаёти ҳаққоний ёритилиши.

«Тоза ҳуррият»да мамлакат келажагига умид.

«Русия инқилоби» дostonи Россия ва Туркистон озодлиги тарихини кенг кўламда ёритиб берган ўзбек адабиётидаги биринчи йирик эпик асар эканлиги.

Асарда тарихийлик масаласи. 1917 йил воқеалари тасвири. Чор Россиясининг сиёсий, маънавий, ахлоқий чириганлиги. Туркистонда озодлик ҳаракати. Распутин воқеасига шоир изоҳи. Бирлик, иттифоққа даъват.

Достоннинг адабий-бадний, тарихий-маърифий қиммати. Сидқийнинг таълимий-ахлоқий ҳикоялари ҳақида.

Ҳайвонлар, қушлар, турли жониворлар билан боғлиқ ҳикоялар. Тарихий шахслар (Аёз) билан боғлиқ ҳикоялар. Тамаъ ва меҳнатсиз яшашни танқид. (Аббос ҳикояси) ва меҳнат аҳлини улуғлаш.

Сидқийнинг шеърини воқеий ҳикоялари (Бир бахил қиссаси, Унқўрғон қозиси ҳикояси).

Сидқийнинг ихчам ҳикматлари («Сад иршоди мулло Сидқий Хондайлиқий»).

Сидқий-Хондайлиқий — таржимон. Адибнинг «Минг бир кеча» таржимаси ҳақида. Сидқий ва форс адабиёти. «Кари-мо таржимаи Раҳимо» асари ҳақида.

Шоир Сидқий Хондайлиқийнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни.

#### Наиба:

Сидқий Хондайлиқий. Навбахор. Ғазаллар, достон, ҳикоялар, қайдлар. Т., 1984 й.

#### Илмий адабиётлар:

Б. Қосимов. Сидқий Хондайлиқий, мазкур китобда: 192—232-бетлар.

А. Жалолов. Инқилобий давр ўзбек адабиёти ва Шавкат ижоди. Т., «Фан», 1987 й.

#### АВАЗ УТАР УҒЛИ

(1884—1919)

Аваз Утар ўғли — ўзбек адабиётида маърифатпарварлик ва демократик ғояларни илгари сурган шоир.

Аваз ижодини ўрганиш тарихи. Аваз Утар ўғлининг таржимаи ҳоли. Аҳмад Табибий ва Аваз Утар ўғли. Аваз ижодида анъанавийлик: унинг лирик шеърлари: «Соғиндим», «Хуш келдингиз», «Оқибат», «Не ажаб». Шоирнинг «Соҳиби девон» даражасига кўтарилиши. Авазнинг Алишер Навоий, Огаҳий шеъриятига эргашиши, шоир мухаммаслари. Аваз

ижодида хонлик тузумига муносабат. Шоирнинг «Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ» деб бошланувчи ғазалида даврнинг долзарб масалаларини кўтариб чиқиши.

Аваз Утар — рубоийнавис шоир. Шоир рубоийларида муҳаббат мавзун: «Эй ҳуснингга ой ёру дилоро муҳтож», «Жонимни олурга кўзу кош, эй дилбар», «Ёраб, мани ишқ бандидин айла халос»... рубоийлари.

Аваз Утар ўғли дунёқарашида кескин бурилиш. Шоир ижодида ҳажвий йўналишнинг биринчи планга кўтарилиши. Феодал тартибларни, баъзи бир нопок руҳонийларни кескин фош қилувчи асарларининг дунёга келиши. «Фигонким, мунъадам бўлди жаҳондан айш-роҳат ҳам» ғазали.

Аваз Утар қитъалари: «Билинг ушбу замон ғамнокидурман», «Эшон дегани либоси малла». «Синоҳи пора истар», «Ёмонларни ёмони андоқ одамдур жаҳон ичра».

Аваз ижодида янги туркум — «Фалоний» туркумининг яратилиши: «Фалонийким суханчилиғни расмин ўзига қилмиш фан», «Фалон авбошдек лаънатмаош олам аро йўқдур», «Фалони қотибки, илки синсун они ёзса хат ногоҳ».. туркумлари.

Аваз Утар ижодида эркпарварларлик ғояларининг куйланиши. Хивада юз берган 1917 йил апрель воқеаларининг Аваз ижодига таъсири. Шоирнинг «Сиёсат маҳв бўлди, яшасин оламда ҳуррият», «Эйки, мунча зулм ила миллатни айларсан хароб» шеърлари.

Аваз ижодида маърифатпарварлик ғояларининг ифодаланиши. Шоирнинг «Топар эркан қачон, ёраб, ҳаёти жовидон миллат?», «Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур», «Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб», «Эйки, сизлар то таассуб бирла даврон этдингиз» ғазаллари. Аваз шеърятининг ўзига хос бадиий хусусиятлари.

### Манба:

Аваз Утар ўғли. Девон. Ғ. Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1976.

### Илмий адабиётлар:

Ю. Юсупов, Аваз (Адабий-биографик очерк) ЎзССР ФА нашриёти, Т., 1954 й.

В. Мирзаев, Аваз Ўтар ўғли (Маърифатпарвар ва революцион-демократ куйчи) ЎзССР ФА нашриёти, Т. 1961 й.

Ғ. Каримов, Ўзбек адабиёти тарихи, «Ўқитувчи» нашриёти, Т. 1987 й.

Ўзбек адабиёти тарихи, 5 жилдлик, 5-жилд, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Т. 1980 й.

Н. Қобулов, В. Мўминова, И. Ҳаққулов, Аваз ва унинг адабий муҳити, Т., «Фан», 1987.

## МУҲАММАДШАРИФ СУҒИЗОДА

(1869—1937)

Сўғизода — Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти ва педагогикасининг йирик намоядаси. Шоир ижодини ўрганиш тарихи. Лутфулло Олимийнинг 1925 йил «Фарғона» газетасидаги мақоласи, Миён Бузрук Солиҳовнинг 1934 йилда chop этилган «Сўғизода ва унинг ижоди» асарлари ҳақида. Мақсуд Шайхзоданинг «Машъала» журналининг биринчи сонида эълон қилинган мақоласи. 30-йилларда Сўғизода ижоди атрофидаги мунозаралар. Муҳаммадшариф Сўғизоданинг таржимаи ҳоли. Шоирнинг Қўқон мадрасаридаги ўқиш йиллари. Муқимий атрофидаги шоирлар ва Сўғизода. Шоирнинг «Ваҳший» ва «Сўғизода» тахаллуслари билан Фарғона водийсида шухрат топиши. Чустда шоирнинг ўткир ҳажвиялари туфайли «бадасл», «дахрий», деб эълон қилиниши. Сўғизоданинг ўз ватанидан қувғин қилиниши. Сўғизоданинг чет эл сафари. Сўғизода ва Озарбайжон мутафаккирлари (Жалил Маматқулизода. Собир Тоирзода). Сўғизоданинг «усули савтия» мактаблари очиши. Сўғизода Туркистон матбуоти саҳифаларида. Чуст боёнларига шоирнинг муносабати: «Чустилар бизлар», «Қувди мени жондиллар ўшандоғ ватанимдан» шеърлари ҳақида.

Сўғизода — маърифатпарвар шоир: «Ўқинг, оналар», «Газета тўғрисида», «Хоним, суюкли сочинг вор, на суд шонаси йўқ», «Ватан», «Хонимлар исминда» шеърлари.

Сўғизода — лирик шоир: «Упай», «Ғубор дарду алам сийналарни қилди фиғор» шеърлари.

## Манбалар:

Сўфизода, Тароналар, Тўплаб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Тўлқин Раёулов, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1968 йил.

Ўзбек совет адабиёти тарихи, I-том, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1968 й.

## Илмий адабиёт:

Б. Қосимов, У. Долимов, «Маърифат дарғалари», «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1990 й.

## ИЖТИМОЙ-СИЕСИИ ВА МАҒКУРАВИЙ КУРАШЛАР ДАВРИ (1917—1929)

Ижтимоий тарихий воқеалар. 1917 йил феврал инқилоби ва унинг Туркистондаги асоси. Миллий озодлик ва мустақиллик учун кураш ғояларининг ошкор амалий тус олиши. «Шўрон исломия» сиёсий партиясининг ташкил топиши ва унинг умумтуркистон миллий озодлик ҳаракатида ягона марказий ташкилот сифатидаги аҳамияти. Ташкилот дастури ва етакчилари (Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев).

Қадим ва жадид зиддиятларининг кучайиши. «Турон» газетаси ва «Мирмуҳсин воқеаси», «Шўрон исломияда бўлиниш», «Уламо» жамиятининг вужудга келиши.

1917 йил Октябрь ўзгаришлари. Туркистонда ҳокимият органларининг большевиклар ва ғайримиллат сиёсий кучлар қўлига ўтиши. Туркистон ўлка Шўроларининг III қурултойи ва унинг қарор ҳамда яқунларига қарши Қўқон шаҳрида Туркистон умуммуслмонларининг қурултойи чақирилиши.

«Туркистон мухторияти» ҳокимиятининг ташкил топиши (1917 йил ноябрь) ва унинг демократик асосда эканлиги. Раҳбарлари. (М. Чўқоев, М. Танишев, Носирхон Тўра, В. Миржалилов). «Туркистон мухторияти»нинг большевиклар томонидан қонли бостирилиши ва миллий озодлик ҳаракатларининг янги шаклда оловланиши. Мадамнибек қўрбоши воқеаси. «Босмачилик» ҳаракати ҳақидаги мураккабликлар ва мунозаралар. Туркбюро ҳамда Турккомиссия фаолияти ва маҳаллий зиёлилар ҳуқуқларини чеклаш. Маънавий тазйиқларнинг кучайиши.

1920 йил Бухоро ҳамда Хева инқилоблари ва уларнинг фожеъ оқибатлари. 1924 йилда Туркистон ўлкасининг сунъий



парчаланиши ва беш «мустақил» республикаларнинг тузилиши. Ер-сув ислохотлари, «Хужум» компанияси, коллективлаштириш ва буларнинг зарарли натижалари. Мафкуравий бўҳтонлар, душман излари. Жадидчилик ҳаракатини миллатчилик сифатида қоралаш жараёнлари. «Инағомовчилик» (1926), Ўзбекистон зиёлиларининг Тошкент (1927 йил май) ва Самарқанд (1927 йил октябрь) қурултойлари. Жадидчиликка Компартия раҳбариятининг расмий-сиёсий, салбий баҳо бериши. Илк қатағонлар. «Қосимовчилик» (1929), «Ҳамза ўлими» ва маҳаллий зиёлилар, уламоларнинг қамалиши. Жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ҳолати. Тоталитар тузумнинг барқарорлашиши.

Кейинги ўн йилликларда илмий-тарихий адабиётларда жадидчиликка муносабат. Илқлик даврида (1956—1968) ижобий баҳолашга уринишлар. Турғунлик йилларида (1968—1985) жадидчиликни икки оқимга бўлиб ўрганиш.

Қайта қуриш йилларида жадидчилик ҳаракатини ўрганиш бўйича ижобий силжишлар, илмий амалий тадбирлар. (Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг «Адолат» комиссияси тузилиши. Урта Осиё, Қозоғистон, Озарбайжон ва Татаристон олимларининг жадидизм масалаларига бағишланган 1988 йил Октябрь Симпозиуми, юбилейлар ва бошқа ишлар) Ўзбекистоннинг мустақиллиги жадидизм масалаларини ўрганишда янги тарихий босқич эканлиги.

Адабий-маданий ҳаракатчилик. Феврал инқилоби ва адабиёт. Ўзбек адабиётида феврал воқеалари муносабати билан яратилган асарлар (Шамсиддин Шарафзода Шукрий (Хуршид) «Хуррият меваси», Сидқий Хондайлиқий «Тоza хуррият», «Русия инқилоби», Азмиё Азизий «Хуррият ҳақида», «Хуррият», А. Авлоний «Қутулдик» ва бошқалар).

Октябрь тўнтаришидан кейин адабиётда умид ва умидсизлик, ишонч ва шубҳаланиш кайфиятини ақс эттириш (Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, Авлоний). Миллий туйғуларнинг, ижтимоий озодлик, истибоддан озод бўлиш, эрк ҳам ҳурлик мотивларининг шеърятда (Чўлпон, Ҳамза, Тавалло), насрда (А. Қодирий, Чўлпон), драматургияда (Фитрат, Авлоний), публицистикада (Беҳбудий, Мунавварқори, Авлоний) кенг ёритилиши. Турли адабий уюшмаларнинг майдонга чиқиши («Чигатой гурунги», «Қизил қалам» кабилар). Тил ва имло масалаларининг кенг мукаммал муҳокама этилиши, анжуман ва қурултойлар, Пролетар маданияти ва адабиёти — «пролеткультчилик»нинг пайдо бўлиши ва шу

муносабат билан бўлган мунозаралар. Фитрат ташаббуси билан маҳаллий йигит-қизлар вакилларининг Германияга юборилиши ва Берлинда ўзбек адабиёти материалларининг нашр этилиши.

20-йиллар матбуоти ва адабиёти. «Маориф ва ўқитгувчи» журналинда адабий ҳаётнинг акс этиши. Адабий ҳаракатчилик тараққиётида бошқа журналларнинг аҳамияти («Ер юзи», «Маданият», «Муштум», «Билим ўчоғи» ва бошқалар).

«Қизил Ўзбекистон» газетасида адабий баҳслар.

20-йиллар ўзбек шеърлятида ижтимоий туйғуларнинг икки қарама-қарши кўринишлари: тушкунлик, норозилик (Чўлпон, Элбек, Ойбек); Шўро сиёсатиға ишонч, мадҳ этиш, хайрихоҳлик (Боту, Ғайратий ва бошқалар).

Ўзбек романчилик мактабининг майдонға келиши (А. Қодирий).

Миллий драматургиянинг ғоят самарали ривожланиши. Мавзулар ранг-баранглиги: миллатнинг тарихий кечмиши ва тақдири (Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, Ғози Юнус, Ҳожи Муни); истибдодға қарши кайфиятнинг рамзий-мажозий талқинлари (Фитрат, А. Авлоний); замонавий-маиший мавзулар (Ҳамза, Хуршид, Ғулом Зафарий).

Адабиётшунослик ва танқидчилик тараққиёти. Адабиёт тарихи масалалари (Фитрат, А. Саъдий, Вадуд Маҳмуд). Театр ҳамда адабий танқидчилик (Чўлпон, А. Қодирий, Мирмулла Шермухамедов, Қайом Рамозон). Ўзбек ёш шоирлари ҳақида адабий баҳслар. (А. Саъдий ва В. Маҳмуд, О. Шарафиддинов, С. Айний ва Ойбек).

Шўролар томондан адабиётни мафкуравий курашлар воситасига айлантириш сиёсати. Партиянинг адабий сиёсат ҳақидаги қарори (1925 йил) ва ўзбек адабиётини гуруҳларға ажратиш (Адабий унсурлар, йўловчилар («папутчик»), ипқилобий соғлом ижодкорлар тарзида).

Адабий жараёнға партиявийлик, синфийлик тамойилларининг сунъий равишда жорий этилиши, адабиётни партиявий ишнинг паррақчасига айлантириш сиёсати. Адабиётда социалистик ижтимоий схеманинг шакллана бошлаши. Жамият ва санъат тақдири масалалари.

## Манбалар:

- Мустафо Чўқай ўғли. «Истиқлол жаллодлари», Т. 1992.  
М. Муҳаммаджонов. «Турмуш уринишлари», Т. 1969.  
Зиё Саид. «Танланган асарлар», Т. 1974 й.  
Ф. Хўжаев. «Танланган асарлар», 3 жилдлик.  
Зиё Кўкали. «Туркичилик асослари», Т. 1994 й.

## Илмий адабиётлар:

- Б. Қосимов. Излай-излай топганим, Т. 1933.  
А. Жалолов. «XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти. Т. 1991.  
А. Жалолов. Ўзбек маърифатпарвар, демократик адабиёти. Т. 1978.  
«Миллий Уйғониш» илмий мақолалар ва матнлар тўплами. Т. ТошДУ, 1993.  
Ўзбек танқидчилиги тарихи», 2 жилдлик. Т. 198.  
Б. Қосимов. Салом, келажак!. Т. 1986.  
Б. Қосимов, У. Долямов. Маърифат даргалари. Т. 1990 й.  
Б. Қосимов. «Исмоилбек Гаспирли», Т. 1992 й.  
«Фидойилар», Мақолалар тўплами. Т. 1991 й.  
Р. Шамсутдинов. Жадидчилик, ҳақиқат ва уйдирма. «Мулоқот» журнали, 1991 йил, 11—12-сонлари.  
М. Ҳасанов. Туркистон мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма, «Фан ва турмуш» журнали, 1990 йил, 9, 10, 11-сонлар.  
Ҳ. Содиқов. Туркистон уч инқилоб даврида. «Фан ва турмуш». 1990 йил, 1—3-сонлар.  
Ш. Дониёров. Мухторият қисмати, «Шарқ юлдузи», 1991 йил, № 12.  
Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма. Давра суҳбати. «Шарқ юлдузи», 1991 й. № 4.

## АБДУРАУФ ФИТРАТ

(1886—1938)

Абдурауф Фитрат — Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг забардаст вакили. Фитрат ҳаёти, ижодини ўрганиш тарихи ва манбалари.

Абдурауф Фитратнинг таржимаи ҳоли. Фитрат ҳаётининг илк даври. Талабалик йиллари. Эски мактаб. Мирараб мадрасаси. Ҳаж сафари (1804—1906 йиллар).

Фитрат талабалигининг Туркия (Истамбул) даври. Туркиядаги инқилобий ҳаракат («Иттиҳоди тараққий», «Еш турк»)ларининг Фитратга таъсири. (1909—1913). Биринчи жаҳон урушидан октябрь тўнтаришигача бўлган даврда Фитратнинг ижтимоий-сиёсий ва адабий-маданий фаолияти

(1918—1937 йй.).

Адибнинг шафқатсиз қатағон қилиниши. (1938 йй.).

Фитрат ижодий меросининг умумий манзараси. Шоир, носир, драматург ва қомусий олим.

Фитрат шеърятининг дастлабки намуналарида мумтоз адабиётимиз анъаналари. Фитрат шеърларида ижтимоий оҳанглар. («Сайҳа» шеърӣ тўплами ҳақида қисқача маълумот).

Фитрат шеърятинида шўро тузумидан норози, исёнкор қаҳрамон образи. («Миррих юлдузига», «Шарқ шеърлари», «Туркликнинг муқаддас ўчоғи». «Турон», «Бир ўзбек йигитининг тилидан» насрий шеърлар ҳақида). Фитрат шеърятинида замонасозлик. («Пахта теримидан» шеърӣ ҳақида).

Фитратнинг насрий асарлари: Фитратнинг дастлабки насрий асарларида Ватан маърифати, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёт масалалари устида баҳс юритилиши. Миллат келажағи учун қайғуриш. («Мунозара», «Сайёҳ Ҳинди» асари).

Фитрат асарларида бидъат-хурофот, сохта диндорлик, илмсизлик оқибатларининг кўрсатилиши. («Заҳронинг имони», «Меърож», «Қиёмат», «Оқ мазор», «Зайд ва Зайнаб» асарлари мисолида).

Фитрат драмалари: Фитрат драмаларининг кўлами ва мавзу жиҳатидан кенглиги.

Фитрат драмаларида тарихий воқеалар ва тарихий шахслар образининг акс этиши. («Або Муслим», «Уғузхон», «Абулфайзхон», «Темур сағанасига» драмалари ҳақида) Фитрат драмаларида ҳинд мавзуси. Ҳиндистон пардаси ортидаги Туркистон. («Ҳинд ихтилолчилари», «Чин севиш» драмалари ҳақида).

Саҳнада сохта диндорлар қиёфасининг кўрсатилиши («Рўзалар» драмаси).

Фитратнинг шеърӣ драмаси. Шайтон образи мисолида илм ва тафаккур ғалабасига ишонч мотиви. Бу асарнинг мураккабликлари, «Дин эмас динсизликка қарши» (Б. Қосимов) ёзилган асар эканлиги. («Шайтоннинг тангрига исёни» шеърӣ драмаси ҳақида).

Фитрат драмасида ер ислоҳоти ва деҳқонлар ҳаёти масаласи. Ижтимоий тузум талаби ва тазйиқи билан ёзилган «Арслон» драмаси ҳақида.

Ийрик сиёсий арбоб ва қомусий олим:

Фитратнинг Туркистон ва умумжаҳон миқёсидаги сиёсий қарашлари. («Раҳбари нажот», «Шарқ сиёсати», «Туркистонда руслар», «Туркистон муқторияти» асарлари ҳақида).

Фитрат — туркий тил билимдони ва жонқуяри. («Тили-миз»).

Фитратнинг адабиёт назариясига оид ишлари. («Шеър ва шоирлик», «Адабиёт қондалари» асарлари ҳақида).

Фитратнинг қадимги туркий ёдгорликлар устида олиб борган тадқиқотлари («Муқаддиматул адаб», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ» асарлари ҳақида).

Фитратнинг мумтоз адабиётимиз ва шарқ адабиёти намояндалари ва ижоди устида илмий ишлари. (Хусусан: Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Машраб, Ҳусайн Бойқаро, Умархон, Турди, Фирдавсий, Бедил, Умар Ҳайём каби сиймолар меросидан ишлари).

Фитрат — ислом дини ва исломий маданият тарғиботчиси. («Мухтасар ислом тарихи» асари).

Фитратнинг ўзбек мумтоз мусиқаси ривожига қўшган ҳиссаси. («Ўзбек классик мусиқаси ҳам унинг тарихи», «Турк мусиқаси» асарлари ҳақида).

Фитрат — тарихчи сифатида. («Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» асари бўйича).

Фитратнинг «Абулфайзхон» драмаси: «Мозийга қайтиб иш кўрмоқ» — жадид адабиёти вакилларининг иймон иши. (Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Чўлпоннинг «Кеча», Фитратнинг «Абулфайзхон» асарлари ўртасидаги муштараклик). Асарни ўрганиш тарихидан. «Абулфайзхон» — фожеавий асар. «Абулфайзхон» фожеасининг тарихий ҳақиқатга мослиги. Асар ёзилишида ғарб фожеанавислигининг таъсири. («Абулфайзхон» фожеасини Шекспирнинг «Ҳамлет», «Макбет» асарлари билан қиёсий ўрганиш).

«Абулфайзхон» фожеасида тарихий шахслар образи. (Абулфайзхон, Нодиршоҳ, Ҳаким бий, Раҳим бий, Мир Вафо образлари).

Улфат — Абулфайзхон шахсини мукаммаллаштирувчи тўқима образ. Асардаги бошқа тўқима образлар ҳақида. (Қози Низом, Хўжа Калон каби) Асардаги Хаёл образи. «Абулфайзхон» фожеасининг тили, бадиияти ва бугунги кундаги аҳамияти.

## Манбалар:

А. Фитрат. «Шарқ», «Шоир», «Ким деяй сени?», «Нега буйла?», «Гўзалим, бевафо гулистоним», «Миррўх юлдузига» (Шеърлар). Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987 йил. 11-декабрь.

А. Фитрат. Пахта теримидан. «Шарқ хлдузи» ж. 3-сон. 199—200-бетлар.

А. Фитрат. «Бир оз кул», «Аччиғланма деган эдинг», «Ишқимнинг тарихи», «Яна ёндим», «Парча», «Уқитувчилар юртига», «Қор» (Шеърлар). «Шарқ юлдузи» 1991 й. 6-сон. 20-бет.

Ҳийлан шаръий. (Фитрат: Заҳронинг имони, Зайид ва Зайнаб, ва бошқа. // Тошкент — 1973 й.

А. Фитрат, Ҳинд сайёҳи. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1989 й. 4 август.

А. Фитрат. Қиёмат. Қишлоқ ҳақиқати. 1988 й. 18 февраль.

А. Фитрат. Шайтоннинг тангрига исёни. (Шеърлий драма). Тошкент — 1967 й.

А. Фитрат. Абулфайзхон. «Шарқ юлдузи», 1989 й. 1-сон, 83—103-бетлар.

А. Фитрат. Ҳинд ихтилочилари. «Шарқ юлдузи». 1990 й. 4-сон. 30—52 бетлар.

А. Фитрат. Чин севиш. «Совет Ўзбекистони санъати», 1991 й. 4—5—6—7 сонлар.

А. Фитрат. Арслон. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1987 й. 11 декабрь.

А. Фитрат. Туркистонда руслар. «Шарқ юлдузи», 1992 й. 183—184 бетлар.

А. Фитрат. Шарқ сиёсати. «Навқирон Бухоро», 1992, 3—4—6-сонлар.

А. Фитрат. Тилимиз. Ешлик. 1990 й. 5-сон, 65—67 бетлар.

А. Фитрат. Аҳмад Яссавий. «Совет Ўзбекистони санъати». 1991 й. 8-сон, 20-бет.

А. Фитрат. Навоийнинг форсий шотрлиги ҳам унинг форсий девони. // «Шарқ машъали». 1994 й. 1—3 сонлар.

А. Фитрат. Адабиёт қондалари. «Фан ва турмуш». 1989 й. 5-сон, 8-бет.

А. Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ҳам унинг тарихи. // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1991, 22 март.

А. Фитрат. Мухтасар ислом тарихи. «Сирли олам». 1992 й. 3—4—5—6 сонлар.

А. Фитрат. Машраб. «Ёш ленинчи». 1991 й. 29 июнь,

## Илмий адабиётлар:

С. Айний. Намунаҳон адабиёти тожик. // Москва — 1925 й.

Ҳ. Олимжон. Танланган асарлар. III-том, 220—261 бетлар. // Тошкент, 1960 й.

Э. Каримов. Развитие реализма в узбекской литературе. // Тошкент — 1975 г.

Б. Назаров. Ўзбек адабий танқидчилиги. Ғоявийлик. Метод. Қаҳрамон. // Тошкент — 1979 й.

Б. Қосимов. Масландошлар (Беҳбудий, Сиддиқий-Ажзий, Фитрат, Т. 1994 й.

И. Ганиев. Фитратнинг трагедияси яратилган маҳорати. // Тошкент — 1994 й.

И. Ганиев. Фитрат. Эътиқод. Ижод. Тошкент — 1994 й.

Миллий уйғониш. ТошДУ нашри. Тошкент — 1993 й.

Х. Болтабоев. XIX асрнинг охири XX аср бошларида драматургия. // Тошкент — 1993 й.

Х. Болтабоев. Номтаълум Фитрат. «Ешлик». 1990 й. 34—38-бетлар.

Х. Болтабоев. Бобуршоҳ Фитрат талқинида. // «Ўзбек тили ва адабиёти», 1993 й. 2-сон, 15-бет.

Б. Қосимов. Фитрат (Чизгилар). «Шарқ юлдузи». 1992 й. 10-сон, 170-бет.

Б. Қосимов. Инсон фожеалари. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 й, 6 апрель.

Б. Қосимов. Фитрат «Совет Ўзбекистони санъати», 1991 й, 10-сон.

А. Алиев. Фитрат драмалари. «Совет Ўзбекистони санъати». 1989 й, 10-сон, 14-бет.

А. Алиев. Фитрат. Умар Ҳайём. Нафосат. 1992 й. 3—4-сон.

Н. Каримов. Фитратнинг шайтонга исёнч. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1993 й, 20 август.

«Сайҳ» қисматидан лавҳалар ёки шоир Фитрат ҳақида. «Шарқ юлдузи», 1991 й, 6-сон, 191-бет.

С. Эркинов. Фитрат — навийшунос. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1990 й, 3-сон, 3-бет.

Н. Владимирова. «Қиёмат»ни янгича ўқиш тақрибасидан. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1993 й, 2-сон, 15-бет.

Б. Владухўжаев. Айниқ—талқинида Фитрат. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1988 й, 4 ноябрь.

## ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

(1889—1929)

Ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумот. Ҳамзанинг «Вақт» ва «Таржумон» газеталари орқали жадидчилик ғоялари билан танилиши. Мунавварқори бошлиқ Тошкент жадидлари билан учрашуви ва мулоқотлари. Чет эл сафари вақтида кўшни Шарқ халқларининг иқтисодий, маданий ва руҳий ҳаётидан хабар топиши. Ҳамза дунёқарашида халқ турмушининг маърифат ёрдами билан ўзгартириш мумкин, деган ғоянинг туғилиши. Жадид мактабларини очиши, бу мактаблар учун янгича дарслик ва қўлланмаларни яратилганга интилиши. Ҳамзанинг жадид адабиёти намоянчаси сифатида майдонга келиши.

Жадидчилик ва Ҳамза шеърляти. Ҳамзанинг ilk ижоди ҳақидаги маълумот. «Девон»даги анъанавий ўзбек мумтоз адабиёти анъаналаридан жадидчилик ғоялари таъсирида

узоқлаша ва янги тарихий даврга мос мундарижа ва шаклчи ахтара бошлаши. И. Гаспринский, Н. Яушев ва Ж. Мамад Қулизода сиймосида татар ҳамда озарбайжон адабиётидаги миллий уйғониш ғоялари билан танишиши. Халқнинг оғир иқтисодий ва маданий турмушини ўзгартиришга қаратилган публицистик мақолаларни эълон қилиши ва шундай тадрижий йўллар билан «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси»га келиши.

«Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси», «Гул» тўпламларининг яратилиш тарихи. Мажмуалар таркиби. Ҳар бир тўпламнинг гул номи билан аталишининг сабаби. Мажмуа I-бўлимига кирган шеърларнинг ғоявий йўналиши. «Йиёла, Туркистон», «Яхши ҳолин йўқотган оқибатсиз Туркистон», «Кўзни очинг қардошлар», «Дармон истармиз» каби шеърларда миллий уйғониш ғоясининг катта маҳорат билан ифодаланиши; бу шеърларда Октябрь ўзгариши арафасидаги ўзбек халқи ҳаётининг ҳаққоний мужасамланиши; Ҳамзанинг бу шеърларда жадид адабиётининг пешқадам вакилларида бири даражасига кўтарилиши.

Мазкур тўпламларга кирган шеърларда миллат ва ватан образларининг талқини. Мустақиллик, маърифий ва маданий тараққиётга эришмай туриб, XX асрда яшаш мумкин эмаслиги ғоясининг акс этиши.

1916 йил воқеаларининг Ҳамза шеърлятида ифода топиши. Ҳамза дунёқарашидаги зиддиятларнинг бу мажмуаларга кирган шеърлардан ўрин эгаллаши. Ҳамзанинг оқ подшога мурожаат этиши. Куропаткин ва Чайкинни шарафлашнинг сабаблари. Ҳамза ва Убайдулла Хўжаев.

«Атиргул» тўплами тўғрисида маълумот.

«Миллий ашулалар»нинг бадиий хусусиятлари ва аҳамияти.

«Туркистон мухториятина» Ҳамзанинг жадидчилик ғоялари билан йўғрилган сўнгги шеъри сифатида.

Ҳамзанинг Октябрдан кейинги шеърий ижодида миллий уйғониш ғояларидан чекиниши.

Жадидчилик ва Ҳамзанинг насрий асарлари. XX асрнинг 10-йилларидаги халқ ҳаётининг жадид публицистикаси ва насрида акс этиши. Бехбудий, Авлоний, Фитрат, Чўлпон сингари ўзбек жадидлари таъсирида Ҳамзанинг насрий жанрлар билан қизиқиши. Ҳамзанинг дастлабки публицистик мақолаларида фақир халқ ҳаёти манзараларининг ифодаланиши.

«Янги саодат», «миллий романи»нинг яратилиши. Асар-



нинг «Жамшид», «Зарқум», «Алдаркўса» сингари халқ китобларидан фарқи. Асарнинг феодал-қолоқ ҳаёт тарзига қарши исён уйғотиш мақсадида ёзилганлиги. Жадидчилик ғояларининг асарда лейтмотив эканлиги. Олимжон маърифатли бўлиши орқасида бахтли-саодатли ҳаётга эришган идеал қаҳрамон образи сифатида. Олимжон образида ўзбек жадид адабиётига хос бўлган «Бахтли келажак»нинг ифодаланиши ва романтик тасвир методининг шакллана бошлаши.

Асардаги аёл кишилар (Марям, Назокатхоним, Хадича) образида эзгу ибтидонинг тажассумланиши. Олимжон ва унинг онаси Марям, Олимжон ва синглиси Хадича, Олимжон ва севгилиси Назокатхоним муносабатларида идеал қаҳрамон образини яратишга уриниш.

Абдуқаҳҳор образи — хорлик ва ночорликда яшаётган халқнинг тимсоли сифатида Олимжоннинг унга нисбатан меҳр-мурувват кўрсатишини тасвирлаш орқали илм-фан ва маданият аҳлини улуғлаш.

Асарнинг тили ва бадий хусусиятлари. Асарнинг жадид адабиётида тутган ўрни.

Жадидчилик ва Ҳамза драмалари. Ҳамза драматургик ижодининг бадий «илдизлари». Ҳамзага қадар бўлган ўзбек драматургиясида маърифат ва жаҳолат мавзун.

«Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» драмаси. Драманинг яратилиш тарихи. «Заҳарли ҳаёт», «Янги саодат» қиссасининг драматургик варианты сифатида. Драмада феодал-қолоқ турмуш асосларининг фош этилиши ва маърифатли кишиларнинг улуғланиши. Маҳмудхон ва Марямхоним образлари. Мирзаҳамдамбой образида халқ ва мамлакатни ҳалокат ёқасига олиб келган кучлар ва удумларнинг тажассум топиши. Маҳмудхон ва Марямхонимга хос ҳақиқий севгининг зулм ва адолатсизлик ҳукм сурган ва инсон ҳуқуқлари топталган жамиятда барбод этилиши муқаррарлиги. Драмадаги шекспирона мотивларнинг мелодрама воситалари билан ҳал этилиши. Ҳамза ва умуман жадид драмаларида мелодраманинг етакчи ўринга чиқиши сабаблари.

Жадид драматургиясида оилавий муаммоларнинг марказий ўрин эгаллаши. Оилавий аҳиллик, садоқат ва муҳаббат масалаларининг «Тухматчилар жазоси» драмасида ифодаланиши. Янги ҳаётга ва янги жамиятни қуришда ҳайвоний ҳирслар, маънавий бузуқликларга қарши курашнинг зарурлиги. Қосимжон ва Фотима сиймосида янги одоб ва ахлоқнинг тантанаси учун курашувчи жадид зиёлилари об-

разининг яратилиши.

Ҳамзанинг кейинги драмалари ва умуман ижодида жадидчилик позициясидан чекиниши ва совет тузумининг тарғиботчисига айланиши. Ҳамзанинг агитацион театри.

20-йилларнинг иккинчи ярмида Ҳамза драматургиясидаги кўтарилиш. «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки Яллачилар иши» пьесасида ҳаёт ҳақиқатининг ифодаланиши.

«Бурунги қозилар ёки Майсаранинг иши» комедияси. Комедиянинг яратилиш тарихи. Комедиядаги сюжетнинг ўзбек ва умуман Шарқ халқлари оғзаки ижодидаги илдизлари. Майсара образида халқ характерининг ифодаланиши. Майсара рўмол ўраб олган хўжа Насриддин сифатида. Мулла-дўст образида афтодаҳол кишилар тақдирининг бадий мужассамланиши. Қози, аълам ва Ҳидоят образлари. Кулги унсурларининг асар поэтикасидаги ўрни. Комедиянинг бадий хусусиятлари ва аҳамияти. Ҳамзанинг «Майсаранинг иши» комедиясида моҳир драматург даражасига кўтарилиши.

Ҳамза ижодидаги ва ижтимоий фаолиятидаги зиддиятлар.

Ҳамза ижодининг XX аср ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни.

#### Манбалар:

Ҳ. Ҳ. Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. 2-жилд. Шеърлар. Педагогик рисолалар. насрий асарлар. Тошкент, «Фан», 1988.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. 3-жилд. Драмалар (1915—1920) Тошкент, «Фан», 1988.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. 4-жилд. Драмалар (1921—1928) Мақолалар. Тошкент, «Фан», 1989.

#### Илмий адабиётлар:

М. Раҳмонов. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва ўзбек театри. Тошкент, 1959.

Ю. Султонов. Ҳамза. Тошкент, 1979.

Л. Қаюмов. Сайланма. Икки томлик. I-том, Тошкент, 1981; 2-том, Тошкент, 1983.

Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. (тўплам). Тошкент, 1990:

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

(1894—1938)

Ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот. XX асрнинг 10-йилларидаги Тошкентда маданий ҳаёт. «Турон» жамиятининг пайдо бўлиши. Жадидчилик ҳаракати намояндalarининг миллий матбуотга асос солиши ва дастлабки театр труппаларининг ташкил этилиши. «Бахтсиз кув» пьесасининг яратилиши. Пьесада 10-йиллардаги ўзбек халқи ҳаёти ва ижтимоий оғининг акс этиши. «Падаркуш» ва «Бахтсиз кув» пьесаларининг қиёсий таҳлили. Абдулла Қодирий дунёқарашида жадидчилик гояларининг устивор аҳамият касб эта бориши.

Жадидчилик ва А. Қодирий шеърляти. «Тўй», «Аҳволимиз», «Миллатимга барқарор» шеърларида халқ ҳаётининг тасвири ва жадидчилик гояларининг олга сурилиши. Халқнинг яшаш тарзини ўзгартириш ва ижтимоий оғини уйғотиш масаласининг А. Қодирий ижоди марказига чиқиши.

Жадидчилик ва А. Қодирий ҳикоялари. Октябрь тўнтариси арафасидаги халқ ҳаёти нохуш манзараларнинг адиб ҳикояларида реалистик акс этиши. «Жувонбоз», «Улоқда», «Жинлар базми» ҳикоялари. Бу ҳикояларда халқнинг оғир ижтимоий ва иқтисодий шароитда яшаётгани сабабларини бадний тадқиқ этишга уриниш.

А. Қодирийнинг 1917 йилдан кейинги адабий ва журналистик фаолиятида ҳажвий асарларнинг салмоқли мавқе касб этиши. А. Қодирий ва «Муштум» ҳажвий журнали. Халқ ҳаёти ва руҳиятидаги қусурлар устидан кулиш А. Қодирий ижодининг муҳим жадидона йўналиши сифатида. Калвак Маҳзум ва Тошпўлат тажангнинг замон «поезди»дан тушиб қолган кишилар сифатида тасвир этилиши.

Ҳажвий ҳикоялар туркумининг 20-йилларда яратилиш сабаблари. Янги ва эски воқеликнинг ушбу туркумдаги тўқнашуви, Калвак Маҳзум образи. Калвак Маҳзум янги адабий тип сифатида. Ҳикоялар туркумининг асосий проблема-тикаси.

«Тошпўлат тажанг нима дейдир» асари. Тошпўлат тажанг Калвак Маҳзумга қондош образ сифатида. Бу ҳар иккала ҳажвий ҳикоялар туркумида диний бидъат ва хурофот чангалидан чиқолмаган чапанилар ҳаётининг акс этиши.

Ҳар иккала туркумда халқнинг яшаш тарзи ва руҳий оламини ўзгартиришга интилган жадид адабиёти мақсад ва

Ғояларнинг ифодаланиши. Ҳажвий туркумларнинг бадний хусусиятлари.

Абдулла Қодирий ҳажвиётининг замонавий ўзбек ҳажвий адабиётининг шаклланиши ва ривожланишидаги аҳамияти. Адибнинг бу борадаги тажриба ва анъаналарининг Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад ижодида давом эттирилиши.

«Ўтган кунлар» романи. Абдулла Қодирийга қадар бўлган ўзбек адабиётида роман жанрининг мавжуд эмаслиги ва жадид ёзувчиларининг дастлабки реалистик наср намуналари, роман жанрига бўлган эҳтиёж.

«Ўтган кунлар»нинг яратилиши. Ёзувчининг тарихий материални ўрганиши. Октябрь арафасидаги ўзбек адабиётининг озарбайжон, татар ва турк адабиёти билан яқинлашуви; бу адабиётларда эришилган ютуқлар, шу жумладан, турк, озарбайжон ва татар тилларига таржима қилинган асарларнинг ўзбек ёзувчилари томонидан ўрганилиши. Абдулла Қодирийнинг дастлабки ўзбек романини яратишидаги ижодий омиллар.

«Ўтган кунлар»да тарихий ўтмишнинг акс этиши. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий парокандалик, хонликлар ўртасидаги ўзаро низо ва курашлар, эскирган ва чириган феодал давлат тузумининг Абдулла Қодирий асарида Туркистоннинг чор мустамлақасига айланишига олиб келган омиллар сифатида тасвир этилиши. Ана шу омилларнинг асар қаҳрамонлари тақдиридаги аён излари.

Романдаги тарихий шахслар ва тўқима қаҳрамонлар образи. Улар ўртасидаги муносабатлар.

Романдаги марказий қаҳрамонлар — Отабек, Қумуш, Юсуфбек образлари ва улар тасвирида ёзувчи эстетик идеалининг акс этиши.

Романдаги ижтимоий ва ишқий сюжет линияларининг ўзаро туташ тасвир этилиши.

Иккинчи даражали образлар (Ўзбек ойим, Зайнаб ва бошқалар) тасвири ва уларнинг ёзувчи ғоявий ниятини иккишоф этишидаги аҳамияти;

Асарнинг сюжети ва композицияси. Романининг тили ва бадний хусусиятлари. (Асарда «спр сақлаш» приёмидан самарали фойдаланиш; қаҳрамонлар портрети ва пейзаж тасвири; қаҳрамонлар ва муаллиф нутқи ва ҳ.к.).

Асарнинг ўзбекона миллий руҳ билан суғорилганлиги.

20-йиллар танқидчилигининг романга бўлган муносабати.

«Меҳробдан чаён» романи. Асарнинг яратилиш тарихи.

Романнинг ёзувчи ғоявий эволюциясида тутган ўрни. Асарнинг ғоявий йўналиши ва пафоси. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек воқелиги ва ундаги зиддиятларнинг асарда бадний мужассамланиши.

Асардаги асосий қаҳрамонлар. Анвар ва Раъно тақдирларида тарихий ўтмишнинг акс этиши. Анвар ва Раъно образларининг Отабек ва Кумуш образларига яқинлиги га ўзаро фарқлари. Романдаги марказий қаҳрамонлар образига хос ҳаётий ва ижтимоий фаоллик.

Романдаги бошқа ижобий қаҳрамонлар.

Салбий қаҳрамонлар образида. Худоёрхон саройидаги ва мавжуд ижтимоий тузумдаги иллатларнинг марказлашган ҳолда ифодаланиши. Худоёрхон, Абдурахмон, Шаҳодат муфти зулм, маккорлик, тубанлик ва ғайринисоний хислатларнинг тимсоли сифатида.

Асардаги Солиҳ маҳдум образининг ўзига хослиги.

Романнинг сюжет ва композицияси. Асарнинг тили ва услуби, бадний хусусиятлари. Абдулла Қодирий услубига хос бадний жозибанинг асарда ифодаланиши.

А. Қодирий романлари негизда миллий уйғониш ғояларининг ётиши.

Абдулла Қодирий ўзбек романнавислик мактабининг асосчиси сифатида. Адиб романларига миллийлик ва баднийликнинг социалистик реализм адабиёти принципларига нисбатан юксак ва умрбоқий мезонлар эканлиги. А. Қодирий романларининг ўзбек, қозоқ, туркман ва бошқа миллий адабиётларга кўрсатган таъсири.

30-йиллар А. Қодирий ижодида замонасозлик майллари ва уларнинг пайдо бўлиши сабаблари. «Ғирвонлик Маллавой» ва «Обид кетмон» сингари асарларида адибнинг совет даври қаҳрамонлари образини яратишга уриниши. Бу асарларнинг бадний заифлиги.

А. Қодирий ижодининг аҳамияти. А. Қодирий ва бугунги ўзбек романчилиги.

### Манбалар:

Абдулла Қодирий. Тўла асарлар тўплами, 1-жилд. Шеърлар. Ҳикоя ва очерклар. Ҳажвийлар. Тошкент, «Фан», 1995.

Абдулла Қодирий. Утган кунлар. Меҳробдан чаён (романлар). Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992.

- М. Қўшқонов. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. Тошкент, «Фан», 1966.  
 М. Қўшқонов. Узбекнинг ўзлиги. Тошкент, 1994.  
 И. Мирзаев. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. Тошкент, «Фан», 1977.  
 Ҳ. Қодирий. Отам ҳақида. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.  
 У. Норматов. Қодирий боғи. Т. 1995 й.

## АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН УҒЛИ ЧЎЛПОН (1897—1938)

Ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумот. Чўлпоннинг пантуркизм ва жадидизм ғоялари билан танишиши ва Тошкентга кўчиб келиши. XX асрнинг 10-йилларидаги Тошкент жадидлари билан танишув. Чўлпон ва «Турон» жамияти. «Садойи Туркистон» ва бошқа дастлабки ўзбек газеталарида Чўлпон асарларининг эълон қилиниши. Чўлпон ва Тошкентдаги театр труппалари фаолияти. Чўлпон ижодининг бошланиши.

Жадидчилик ва Чўлпон шеърляти. Чўлпоннинг илк ижодида жадидчилик ғояларининг ақс этиши. Биринчи жаҳон уруши йиллари ҳамда 1917 йил Феврал ва Октябрь инқилоблари арафасида ёзилган шеърларида халқ, ватан ва озодлик мавзулари. Чўлпон ва Туркистон мухторияти, «Озод турк байрами» шеърида Туркистон мухториятининг эълон қилиниши муносабати билан миллий озодлик учун кураш ғоясининг баланд пардаларда куйланиши.

Чўлпон ва Бухоро халқ республикасининг барпо этилиши. «Халқ» шеърининг ғоявий йўналиши ва Чўлпон дунёқарашрида некбин тасаввурларнинг вақтинча тантана қилиши.

Октябрь инқилобидан кейин большевиклар диктатурасининг ўрнатилиши ва миллий республикаларда мустамлакачилик сиёсатининг давом этирилиши. Чўлпоннинг совет воқелигидаги бундай аянчли тамойилларга муносабати. «Бузилган ўлкага» шеъри. Шеърнинг ғоявий мундарижаси ва пафоси. Шеърда тарихий ўзгартирувчи куч — денгиз, гўлқин, ва куч деб таърифланган халқнинг йўқлигига, Туркистон музофотида яшовчи омманнинг халқ даражасига кўтарилганига ишора. Лирик қаҳрамоннинг мазкур ҳолат туфайли изтироблари.

Чўлпон ижодида шахс эрки мавзуи. Хотин-қизларга ба-

ғишланган шеърлар. «Бинафша» шеърининг ғоявий ва бадий хусусиятлари. «Кўнгил», «Кишан», «Амалнинг ўлими», «Махмудхўжа Бехбудий хотираси» каби шеърлари. Бу шеърларда хуррият ва миллий истиқлол ҳақидаги орзулар билан яшаган кишилар фожиясининг ифодаланиши. Чўлпоннинг болшевиклар идора этган мамлакатда мустабид тузумнинг ўрнатиллажаги ҳақидаги башорати.

Чўлпоннинг ўзбек шеър тизимидаги ислохотлари. Чўлпон шеърларининг бадий хусусиятлари. Чўлпон шеърларида туйғу ва ҳиссий кечинманинг маҳорат билан ифодаланиши.

Жадидчилик ва Чўлпон ҳикоялари. Чўлпоннинг дастлабки насрий асарларида 10-йиллардаги халқ ҳаёти манзараларининг реалистик ифодаланиши. «Қурбони жаҳолат» ҳикояси. Ҳикояда ўзи яшаган даврдан илгарилаб кетган киши фожиясининг бадий тасвири. Шу типдаги қаҳрамоннинг омон қолиши ва халқига фойда келтириши учун илғор кўшни ва олис мамлакатларга бориб таҳсил кўришининг «Дўхтир Муҳаммадёр» қиссасида тасвир этилиши. Қиссанинг ғоявий нафоси. Муҳаммадёр ва унинг отаси образлари. 20-йилларда ўзбек ёшларининг Германияда таҳсил кўриб юқори маънавият мутахассислар бўлиб келишининг қиссада бадий башорат қилиниши. Жадид адабиётларидаги илмнинг ҳосилати ҳақидаги романтик қарашларнинг Чўлпон қиссасида реаллашиши ва ривожлантирилиши.

Октябрғача бўлган ва Октябрнинг дастлабки йиллардаги машаққатли ҳаётнинг Чўлпон ҳикояларида тасвирланиши. «Ойдин кечаларда», «Қор қўйнида лола», «Новвой қиз» ҳикоялари. Бу ҳикояларда ўзбек хотин-қизлари тақдирининг ҳаққоний аёси эттирилиши.

Чўлпон ҳикояларида романтик ва реалистик тасвир услулари. Бу ҳикояларнинг бадий хусусиятлари ва аҳамияти.

Жадидчилик ва Чўлпон драмалари. Чўлпоннинг дастлабки драмалари («Бой», «Халил фаранг», «Чўрининг исёни») тўғрисида маълумот.

«Ёрқиной» драмаси. Драманинг яратилиши. Драмада ўзбек халқ эртақларига хос бадий хусусиятлар билан Шекспир трагедияларига мансуб тамойилларнинг тугашган ҳолда кўриниши. Драмада романтик ва реалистик тасвир услуби. Асосий ижобий қаҳрамонлар (Пўлат, Ёрқиной) образларида миллий озодлик ғоясининг ифодаланиши. Драмадаги салбий образлар мустабид тузумнинг жонли тимсоллари сифатида. Драматик конфликт ва қаҳрамонлар характерининг шаклланиши. Драма сюжети ва композициясида

ги ўзига хосликлар. Драманинг бадий хусусиятлари.

Чўлпоннинг 20—30 йилларда яратган яратган сахна асарлари. («Муштумзўр», «Ўртоқ Қаршибоев», «Хужум» ва «Замона хотини») тўғрисида маълумот.

Чўлпон драмаларининг ўзбек драматургияси тараққиёти тарихида тутган ўрни.

«Кеча ва кундуз» романи. Романда тасвирланган тарихий давр биринчи жаҳон уруши арафасидаги Туркистон халқлари ҳаётининг бадий мужассамланиши. Бир томондан, қашшоқ ва онгсиз халқ вакиллари, иккинчи томондан, бу халқни эзувчи, уни диний урф-одатлар ва феодал тузуми кишанларида сақлаб қолишга уринувчи чор амалдорлари ҳамда маҳаллий золимлар ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг ҳаққоний тасвирланиши.

Зеби мустамлакачилик шароитида яшаган оддий халқнинг бадий тимсоли сифатида. Зебининг руҳий ва маънавий гўзаллиги ҳамда продасизлиги, тенгсизлик ва адолатсизликка қарши кураша олмаслигининг ижтимоий сабаблари.

Романдаги меҳнаткаш халқ ва унинг айрим вакиллари (Қурбонбиби, Ўлмас, Энаҳон, Султонхон, Умринисабиби, Зуннун ва бошқалар) образи. Раззоқ сўфи образида диний ақидаларга кўр-кўрона итоат этган ва ишонган онгсиз омма фожиясининг тасвирланиши. Раззоқ сўфи образининг Солиҳ маҳдум («Меҳробдан чаён») ва Ёрмат («Қутлуг қон») образлари билан қиёсий тавсифиомаси.

Романдаги салбий қаҳрамонлар — Акбарали мингбоши, Эшон ва нойиб тўра образлари; уларнинг тасвир этилган даврдаги халққа қарши қаратилган кучларнинг тимсол даражасига кўтарилиши. Бу қаҳрамонлар образи орқали «Кеча»нинг, мамлакатимиздаги қора доғларнинг кўрсатилиши.

Мирёқуб образининг тадрижий ривожини. Мирёқуб образидаги зиддиятли ўринлар ва уларнинг ижтимоий илдизлари. Марям ва жадид Шарафиддин Хўжаев билан учрашув ва Мирёқуб дунёқарашининг ўзгара бошлаши. Романдаги мустамлакачиликка қарши, миллий озодлик учун кураш ғоясининг ифодаланиши. Роман сюжети ва композицияси. Романнинг бадий хусусиятлари. Романнинг ўзбек реалистик насрининг шаклланиши ва тараққиётидаги аҳамияти.

Романининг иккинчи китоби ҳақида маълумот. Бу китобда тасвир этилиши мумкин бўлган асосий воқеалар.

Чўлпоннинг катта тарихий даврни бадий акс эттиришга қаратилган диалогия жанрини яратишга уриниши.



Чўлпон ижодининг ўзбек миллий уйғониш даври адабиётида тутган ўрни. Чўлпон шеърляти ва насрий асарларидаги бадий изланишларнинг кейинги ўзбек ёзувчилари ижодига таъсири.

#### **Манбалар:**

Чўлпон. Яна олдим созимни. Тошкент, Адабиёт ва санъат наشريёти, 1991.

Чўлпон. Адабиёт надур. Тошкент. «Чўлпон», 1994.

#### **Илмий адабиётлар:**

О. Шарафиддинов. Чўлпон. Тошкент, «Чўлпон», 1991.

О. Шарафиддинов. Чўлпонни англаш. Тошкент, «Хазина», 1994.

Н. Каримов. Чўлпон. Тошкент, «Фан», 1991.

Чўлпоннинг бадий олами (тўплам) Тошкент, «Фан», 1994.

Босишга рухсат этилди 24.08.96. Юқори босма усулда босилди. Газета қоғози. Бичими 60x84 1/16. Хажми 3 босма табақ.

Адади 350 нусха. Буюртма № 425.

ТошДУ босмахонасида чоп этилди.